



ISHONCH

ОЛИЙ БАХТ

Газета 1991 йил
21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 11 март, шанба № 43-44 (2093)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Зулфия мукофоти совриндорлари

«ДУНЁНИНГ БЕҒУБОР ЧЎҚҚИЛАРИДА...»

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг ҳузуридаги иқтидорли болалар лицейининг 11-синф ўқувчиси Дилфуза Маҳкамova бадий ижод ва публицистика йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ёшлик. Умрнинг айна палласида ҳар бир қалбда ажиб ҳислар жўш уради. Бу беғубор туйғуларни кимгадир тўкиб солиш зарурати туғилади. Кимдир беихтиёр шеър ёзади, расм чизади, кўшиқ айтади.

Дилфуза ана шундай ёш ижодкорлардан. Унинг машқлари 12 ёшидан буён вақтли матбуот саҳифаларида босилиб келаётди. Шеър ва мақолаларининг таҳсинга лойиқлигини фақат тенгдошлари эмас, устоз ижодкорлар ҳам эътироф этади. Унинг юксак мукофотга муносиб топилгани эса чинакам истеъдод эгаси эканлигини яна бир қарра исботлади.

Болада ижодкорликка ҳавас уйғотадиган муҳит, аввало, оила саналади. Дилфуза Жиззах тумани Тоқчилик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Равалиқ маҳалласида санъату нафосатга ошно оилада улғайди.

Отаси Жўракул Маҳкамov фермер, шунингдек, адабиётнинг, шериятнинг ҳақиқий ихлосманди. Онаси Гулнораой - шифокор.

Эҳтимол, Дилфузанинг иқтидори уларнинг таъсирида булоқдай кўз очгандир. Аммо шуниси аниқки, у кўп ўқийди, тинимсиз изланади. Шеърлари, мақолалари вилоят ва республика газеталарида, «Гулхан» журналарида мунтазам чоп этилади. Илк шеърий тўплами «Ватан, сени севаман шундай» номи билан 2004 йилда нашрдан чиққан эди. Шундан кейин «Атиргулим» шеърий тўплами ўқувчилар кўлига теги. 2005 йилда Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида «Оқ фасл» тўплами нашр этилди.

Дилфузанинг бадий ижод сирларини ўрганишида мактабдаги устозлари - адабиёт фани

ўқитувчиси Умри Баракаева, лицей директори - Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокировларнинг ҳиссаси катта. Қолаверса, у Жиззах туман халқ таълими бўлими қошидаги ёш қаламкашлар тўғараги аъзоси, вилоятда фаолият кўрсатаётган «Сангзор садолари» ёш ижодкорлар клуби қатнашчиси. Зоминда ҳар йили ўтказилаётган республика ижодкор ёшларнинг анъанавий семинарида иштирок этиб, бадий ижод сирларини янада пухта ўрганаётди.

Қизимнинг муваффақияти Президентимизнинг иқтидорли ёшларни камол топтиришга қаратаётган эътибори ва мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун яратилаётган шарт-шароитлар самарасидир, - дейди Жўракул ака.

Дилфуза ҳали ёш. Олдинда мутолаа, ўрганиш, изланишнинг сермашаққат йўли турибди. Биз унинг ўзи «Сен билан бир умр қолсам арзийди, дунёнинг беғубор чўққиларида» деб ёзганидек, шеърятда юксаликларга кўтарилишига тилакдошимиз.

(ЎЗА)



Етакчи минбари


**ИНСОН ҚАДРИ
ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ**
2-бет

**БАҲОР – ҲАЁТНИНГ
БОШЛАНИШИ** 3-бет
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири
Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат

**Ўзбек киноси
ЭЪТИРОЗЛАРНИНГ
БОИСИ
НИМАДА?**
9-бет

Журналист таҳлили
**ҒОЙИБ БЎЛАЁТГАН
ХАЗИНА** 4-бет
кимга фойда-ю кимга зарар

5-8-бетлар



*Ўлкамизни
ўрганамиз*



**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ
САРДОБАЛАРИ**
10-бет



11-бет
**САНЪАТ
ДРОВОН**

Етакчи минбари

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Ўзбекистон Республикасида энг олий кадрият сифатида инсон, унинг ҳаёти, қадри асос қилиб олинган. Республика металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ҳам меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш борасида қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар ижросида фаол иштироки билан ўз улушини кўчиб келмоқда. Шунингдек, меҳнат ахлига ҳам моддий, ҳам маънавий кўмаклашиш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб бормоқда. Қолаверса, "Инсон қадри ҳар нарсадан улуг" деган ғоя касаба уюшмалари Ҳаракат дастурининг асосини ташкил этади.

Хўш, бу борада тармоқда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг раиси Шавкат Одилов билан сўхбат мавзуси шу ҳақда.

— Республика касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойи бўлиб ўтганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Мазкур анжуманда кўзда тутилган вазифаларни бажариш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Эътироф этмоқ лозимки, ҳар бир ўтган кун меҳнат жамоалари учун чинакам синовдир. Ана шу синовда касаба уюшмалари олдинги позицияда, десам муболага эмас. Ҳозирги вақтда тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши тоғ-металлургия саноати, авиация саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, радио-электрон ҳамда электротехника саноати, Ўзбекистон Давлат стандарти ва сертификатлаш тизими, машинасозликнинг хусусий кичик ва ўрта бизнес корхоналари ходимларидан иборат 110 минг кишини бирлаштириб турибди.

Айни вақтда аъзоларимизни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларга қўлай ва хавфсиз иш шaroитларини яратиш, соғломлаштириш, маънавийларини юксалтириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида иш олиб бормоқдамиз.

Корхона ва ташкилотларда, айниқса, қўшма корхоналарда ижтимоий масалаларни ҳал этишда касаба уюшма ташкилотларининг таъсирини кучайтиришни ўз олдимишга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Тармоқдаги кўпгина қўшма корхоналар ҳамда акционерлик жамиятларида касаба уюшма кўмиталарининг етакчилари корхона кузатув кенгаши раисининг раислари ёки аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари этиб сайланишган. Тошкент трактор заводи, "Ўзметкомбинат" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акционерлик жамияти шулар жумласидандир.

Яна бир муҳим вазифа, бу тармоқдаги корхоналар маъмуриятлари томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ва жамоа шартномаларига қиритилган мажбуриятларнинг ўз вақтида, тўлақонли ижросини таъминлашдир. Бу борада Марказий кенгашимиз ҳуқуқшунос томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақса-

дида Дастур ишлаб чиқилди. Шу билан бирга бу соҳада янги қабул қилинаётган барча меъёрий ҳужжатлар билан касаба уюшма етакчилари таъминланди.

Маълумки, ишимиздаги асосий муваффақият бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг ҳуқуқий саводхонлигига, малакасига боғлиқдир. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўқув марказида иккита гуруҳ ўқитилди. Марказий кенгаш ташаббуси билан Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида, Тошкент шаҳрида ўқув семинарлари ҳам ташкил этилди. Шунингдек, ходимларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Меҳнаткашлардан тушган кўпгина хат ва шикоятлар мана шундай ҳамкорлик тўғрисида ўзининг ижобий ечимини топапти.

Кейинги вақтга келиб, тармоқ меҳнаткашларини махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилляпти. 2005 йилнинг декабр ойидаги Марказий кенгаш йиғилишида бу масала атрофлича кўриб чиқилди. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг олдини олиш мақсадида республика кўрик-танлови эълон қилдик. Бу тадбир тизимимизнинг барча бўғинларида ўтказилади. Йилни жароҳатланишларсиз якунлаган ишлаб чиқариш бўлимлари, цехлар рағбатлантириб борилади.

— Ҳозирги вақтда касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликларини асослаш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Меҳнаткашлар ўртасида ташкилотнинг нуфузини ошириш ҳам муҳим вазифалардан.

— Жуда тўғри айтдингиз. Биз кенг меҳнаткашлар оmmasи ўртасида касаба уюшма аъзоси бўлиш уларга қандай афзалликни туҳфа этишини амалий ишларимиз билан кўрсата билишимиз лозим. Марказий кенгаш томонидан 2004—2005 йиллар давомида олиб борилган аниқ чора-тадбирлар тўғрисида аъзоларимиз сонини ўсишига эришдик. 2005 йилда олдинги йилга нисбатан уларнинг сони 5700 нафарга ортди. Лекин, айрим тармоқларда аъзоларимизнинг сони камайиш ҳолатлари ҳам юз

берди. Бунинг асосий сабаби, бир қатор корхоналаримиз — "Тоштўқимамаш", "Компрессор" очик акциядорлик жамиятларининг тугатилишидир.

Бугунги кунга келиб иқтисодиётнинг мўтадиллашуви тўғрисида бир қатор корхоналарда аъзоларимиз сони ошди. Янги ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда. "Paxtajiн KB", "Ингичка" кон бошқармаси, "Новатор" масъулияти чекланган жамият, "Автотехизмат" акциядорлик жамиятларининг Тошкент вилояти касаба уюшма кўмиталари сафимизга қабул қилиниши тўғрисида аъзоларимиз сони ўсишига эришилди.

— Марказий кенгашнинг III Курултойида тармоқда санаторий-профилакторийлар, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, маданий муассаса ҳамда спорт иншоотларининг сони камайиб кетганлиги жиддий эътирозларга сабаб бўлганди. Ушбу камчиликни бартараф этиш юзасидан қандай чоралар кўриляпти?

— Тўғри, айни кунда тармоғимиз тизимида 15 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, 6 та санаторий-профилакторий, 9 та дам олиш уйи ва пансионатлар, 12 та кутубхона, 5 та маданият саройлари меҳнаткашлар хизматида. 6 та стадион, 14 та спорт зали, 112 та спорт майдончалари, 9 та сув ҳавзалари ва 6 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тармоқ меҳнаткашларига ва уларнинг фарзандларига хизмат қилмоқда. Ҳар йили 7 мингга яқин киши санаторий-профилакторийларда, 23 минг нафар болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилмоқда. Тармоқ тизимидаги ташкилотларнинг 40—45 фоизида жисмоний тарбия жамоалари тузилган. 2005 йилдан бошлаб, корхоналаримизда ишлаб чиқариш гимнастикаси жорий этилди. Масалан, Олмалик тоғ металлургия комбинатида ўтган йили "Металлургия" спорт клуби, стадион тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Мазкур корхонанинг "Олтин олма" дам олиш пансионатида касаба уюшма маблағи ҳисобидан теннис корти, спорт мажмуаси қурилди. Жорий йилда комбинат санаторий-профилакторийси тўлиқ таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган. Айни кунда болалар учун бокс билан шуғулланиш зали қурилмоқда.

Ўтган йили "Тошкент трактор заводи"нинг "Трактор" стадиони ҳам тўлиқ таъмирланди. Ечиниш хоналари, душ, бассейн қайта жиҳозланди. Катта теннис майдони ободонлаштирилди.

"Подъёмник" очик акциядорлик жамияти янги ҳудудга кўчиб ўтиши муносабати билан янги спорт майдони учун ер ажратилди. Айни пайтда қурилиш ишлари кетмоқда. Бу каби ишларни биз бундан буён ҳам давом эттириш, меҳнаткашларимизни соғломлаштириш, бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун барча чораларни кўраверамиз.

Сўхбатдош:
Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшма тадбири

Ўзаллик, яшариш ва янгиланиш фасли — баҳор кириши билан Сурхондарёда бодом кийгос бўлиб гуллади. Қолаверса, бу юрт одамлари табиат уйғонишини ўзгача тарзда нишонлайди. Эл-улус экин-тикиннинг баракасини тилаб, ёмғир сўрайди. Нуруний момолар бошчилигида дош-қозонларда ҳалиму сумалаклар пиширилиб, хонадонларга улашилади. Кексаю ногиронлар, бева-бечоралар ҳолидан хабар олинади.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг юмуши бу кунларда янада ортади. Кам таъминланган оилалар, ота-онасиз қолган болалар, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонлар мурувват билан қуршаб олинади. Яқинда касаба уюшма фаоллари Сариосиёдаги «Фарход» мурувват уйи, Бойсун туманида жойлашган «12-Меҳрибонлик уйи», Шўрчидаги 67-ақли заифлар мактаб-интернатида бўлишиб, тарбияланувчи ўғил-қизларга қарийб бир миллион сўмлик озиқ-овқат ва кийим-бошлар ҳада этишди.

— Туман халқ таълими бўлими ва мавжуд 70 га яқин умумтаъ-

СЕН ЁЛГИЗ ЭМАСАН, ЖИГАРИМ!

лим ўрта мактаблар атрофларида тозалик ва ободонлаштириш, кўчаларнинг яшилдириш ишларини авж олдирик. Ариқ-зовурлар тозаланиб, барча мактаб ва болалар боғчалари атрофларига 100 тадан мевали, 50 тадан манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Касбдошлар оилаларидан кўнгул сўралди. Халқаро хотин-қизлар байрами билан совға-саломлар улашдик, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши аъзоси, Музработ туман халқ таълими бўлими мудири Дўстқобил Қодиров.

«Олтин-чигит» қўшма корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан Кумқўрғондаги «Мустақиллик», «Хўжамулки», «Янгиер», «Қарсақли» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги якка-ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Унлаб кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари ва дарслик китоблар олиб берилди.

— Мазкур хайрли ишларда 1645 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларимиз энг шимариб фаоллик кўрсатишмоқда. Улар томонидан меҳрга ташна инсонларга мурувват кўрсатиляпти, — дея сўхбатни давом эттириди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов. — Бунда кумқўрғонлик Зумрад Ҳайитова, бойсунлик Эсон Тўраев, Шўрчи туманидан Суён Мавлонов, шерободлик Боташ Қиличев ҳамда термизлик Неъмат Тиловов каби илғор касаба уюшма етакчилари бу борада ибрат кўрсатишляпти.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ



Хоразм вилояти касаба уюшмалари бирлашмасида барча туман ва шаҳарлар фаолларининг ўқуви бўлиб ўтди. Бу муҳим тадбирда иштирокчиларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV курултойида қабул қилинган ҳужжатлар, Устав, ҳаракат дастурларига қиритилган ўзгаришлар, уюшма олдида турган вазифалар, ижтимоий шерикчилик тамойиллари, жамоа шартномалари, келишувлар, уларнинг мазмуни, бандлик дастурини бажаришда касаба уюшмаларининг иштироки ҳақида фикрлар билдирилиб, уларга аҳамият бериш кераклиги ўқтирилди. Шунингдек, иш ҳақидан қарздорлик, банкротлик, Меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар, ёшлар ва аёллар меҳнати, имтиёз ва кўшимчалар, уларни амалга ошириш устидан назорат ўрнатиш, Конституция ва касаба уюшмалари, Меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмаларининг роли, ижтимоий суғурта, бюджет маблағларининг ундирилиши, сарфлаши билан боғлиқ ҳужжатларни расмий-

лаштириш тартиблари юзасидан тушунчалар берилди. Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш қоидалари, миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, меҳнат жамоаларида маданий, маърифий ва спорт ишларини йўлга қўйиш тартиби, болалар оромгоҳларининг фаолиятига доир мутасаддиларнинг маърузалари, ўқув-машғулот тингловчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Кўшкўпир тумани касаба уюшмалари фаоллари билан олиб борилган ўқув-машғулотларида Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси ўринбосари Шоирахон Умарова билан шу палата депутати Жамила Ниёзматова қатнашиб, фракциянинг аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тайёрлаб, қабул қилган қонун лойиҳалари ҳақида гапириб бердилар. Улар тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ҳа, баҳор мисраси менда ҳам талай, Бу ҳолнинг боиси бордир, ҳарқалай.

— Абдулла ака, Наврӯз арафасида кўнглингиздан нималар кечаяпти?

— Истиклол боис ушбу кун мамлакатимизда энг катта байрамларнинг бири сифатида, кенг миқёсда нишонланмоқда. Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлайман: Наврӯзнинг аслий-асрий кийфаси нималардан иборат? Келажак авлод ушбу байрамни нечоғлик англайдилар, ҳис этадилар? Тобора изчил кечаётган техникалашув эртага табиий кадриятларни ҳис этишда монелик қилмасмикин? Энди бу шунчаки ўй-фикр-да... Аммо байрамнинг оммавий суратда нишонланиши ҳар қандай мо-



БАҲОР — ҲАЁТНИНГ БОШЛАНИШИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ
шоири Абдулла ОРИПОВ билан суҳбат

неликни бартараф этади. Ахир халқ истагига қарши бориб бўладими? Қадим-қадимдан баҳорнинг ушбу кун деҳқонлар учун йиллик меҳнат жараёнининг бошланиши ҳам ҳисобланади. Ерга уруғ қадалади, ниҳол экилади, боғларга шакл, тус берилади. Кўнгилдан шулар кечади-да...

— Баҳор билан боғлиқ гўзал шеърларингиз ва ўттиз сатрларингиз бир талай. Шу маънода, «шоирлар ҳар баҳор қайта тугилади», дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

— Баҳор янгиликни ва яшариш фасли. Нафақат шоирлар, кимлигидан қатъи назар руҳияти уйғоқ ҳар бир инсон учун баҳор — ҳаётнинг бошланиши ҳисобланади. Азалдан кексаларимиз кўклам гиёҳларини юзу кўзларига «омонлик-сомонлик» дея суриб кўйишади. Бунда катта ҳикмат бор... Ахир тўғри-да, баҳорга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам бор. Баҳор сўзи халқимизнинг тилидан йил бўйи тушмайди. Бир одамнинг умри ҳисоб этилганда, у фалон куз ёки фалон киши яшади, деб эмас, балки у шунча баҳорни кўрди, деб кўйишади.

Энди шоирларга келсак... Табиат уйғонган, атроф гўзал, кумурсқа қабоғидек гиёҳда ҳам ўзига хос бўй, ифор бор. Бундай кезларда ҳамма ҳам шоирга айланиб қолиши мумкин.

— Жорий йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди...

— Президентимиз ҳомийлик ҳикматининг асл, туб моҳиятини мантиқий, ҳаётий фикрлар асосида тушунтириб бердилар: «Ҳомийликни биз инсон қалби

ва юрагида энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси, деб биламиз...» Лўнда ва аниқ талқин шу. Шу ўринда бир гапни айтиб ўтмоқчи эдим. Қадимда ҳам дунёнинг турли бурчақларида олижаноб инсонлар ва адолатпеша раҳбарлар саховатли тadbирларга мойил бўлганлар. Дейлик, миллоддан аввалги 1 асрда Римда Мценат деган бой киши яшаб ўтган. У адабиёт ва санъат намояндаларига жуда катта ёрдам кўрсатган. Ёки бўлмаса, қорахонийлар давлати раҳбарларидан бири бўлмиш Буғрохон Юсуф Хос Ҳожибга «Қутадғу билиг» асарини ёзишда амалий кўмак берган. Ёки яна — Муҳаммад Хўжабек деган бой ва амалдор киши Хоразмийга бир товоқ тилла тўхфа этиб, машҳур «Муҳаббатнома» достонини ёзиши учун ҳомийлик қилган. Навоий, Нодира, Амир Умархон, Амир Шохмурод, Заҳриддин Муҳаммад Бобурда ҳам мана шунақа хусусият бўлган. Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, юксак инсоний фазилатлар, одамийлик мужассам бундай тadbир — илди-зимизга дахлдор сифат. Қолаверса, бу азалий, аммо янги ланаётган миллий хусусиятларимизга оид маънавий-ижтимоий ислохотлар сирасига кирди.

— Қашқадарёда кўҳна ва ҳамиша навқирон Қаршининг 2700 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилаяпти. Шу муносабат билан кўнглингиздаги яхши ниятлар муҳлисларингизни қизиқтириши табиий.

— Халқимизда «тўйга тўёна билан...», деган ажойиб нақл

бор. Бу бежизга айтилмаган. Тўёна биринчи галда ҳамиша хурсандчилик рамзи ҳисобланган, «қувончингизга шерикимиз», деган маънони англатган, қолган нисбатлар эса иккинчи даражали. Қувончга шерик бўлмоқлик, айниқса, мендан ўзига хос масъулият талаб этади. Қарши тарихи билан боғлиқ шеърларим бор, биласиз. Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли Қашқадарё вилоят мусиқали театри «Соҳибқирон» драматини қайтадан саҳналаштирди. Бошқа яна нима дейиш мумкин, шу-да энди...

— Сизнингча, замонавий ўзбек адабиётидаги ютуқлар нималардан иборат, камчиликлар-чи?

— Яқин ўн-ўн беш йил ичида яхши асарлар битилди. Улар анчагина: бирини айтсам, бири қолиб кетиши мумкин. Бироқ, камчиликлар ҳам йўқ эмас: бу айниқса, ёш ижодкор уқаларимиз орасидаги ижод меҳнатининг, аниқроғи, мутолаанинг суствлигидадир. Умрининг сўнгигача ўқиб-ўрганишдан тўхтамаган, мутолаадан бош кўтармаган не-не буюк зотлар ўтган бу кўҳна дунёда. Зеро, «бешиқдан қабргача илм изла» деган муқаддас ҳикмат бежиз айтилмаган. Ўзида борини юзга чиқариш учун фақат истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Меҳнат қилиш керак: мутолаа, тинимсиз ёзиш, ёзилганлар устида ишлаш, ўрганиш... ана шу ижоддаги меҳнат дегани. Мен бу сифатлардан барча адабиёт кишилари баҳраманд бўлишини истардим.

Суҳбатдош:
Илҳом КАРОМОВ

ҲОЛАТ

Бир нафас қуёшни ўз ҳолига қўй,
Оташин дилингга этмагин қиёс.
Бир нафас қуёшдай кўрсатсин у рўй,
Бир нафас қуёшдай порласин қуёш.

Бир зум денгизга ҳам боққил бетуйғу,
Дема, ўйларимдай у теран, тенгсиз.
Бир зум балиқларга ватан бўлсин у,
Бир зум денгиз бўлиб гувласин денгиз.

Шамолнинг бўйига осилма бир дам,
Елмасин, майли, у ҳаёлинг мисол.
Бир зум ўз ҳолича яйрасин у ҳам,
Бир зум шамол бўлиб тентисин шамол.

Бир зум сен заминни қўйгил бекутку,
У ахир кўп тўйди туйғулар таъмин.
Бир зум майсаларга она бўлсин у,
Бир зум замин бўлиб яшасин замин.

Бир зум ўз ҳолига қўй сен ҳам, болам.
Аён-ку менга ҳам Инсон матлаби,
Бир зум одам каби яшайин мен ҳам,
Мен ҳам яшай бир зум бир одам каби.

НАВРҮЗ

Яшадим қиш фаслин узун тунда,
Кўрдим ёруғлики тун якунида.
Жоним, Сен ҳам энди тараҳхум айла,
Сен ҳам табассум қил Наврӯз кунда.

СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГИМИ?

Уйғонгучи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Ёногингдан ранг олган дедим —
Лолазорга бурдим юзимни.
Учратмадим аммо ўзингни,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар
Ҳаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб.
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Унгуларда сакрайди оху,
Наъматақда саъва миттижон.
Қорлиқлардан сипқорилган сув
Дараларда уради жавлон.
Ниғоҳимдан фақат сен пинҳон,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана бугун наврӯзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман:
— Сен баҳорни соғинмадингми?

ИЛТИЖО

Ғоятда чарчадим,
Толиқдим ғоят,
Ҳисоб қилавериб ганимни, ёвни,
Тирноқча яхшилиқ тиласанг, фақат,
Ука, ёмонлама менга бировни.

Инсон яшар ахир эзгуликка зор,
Санаб етарми у йўлларда говни.
Мен ҳам ором олай ҳеч курса бир бор,
Ука, ёмонлама менга бировни.

АДОЛАТ КЎЗҒУСИ

Ўлтирган жойингда сакрайверма, бас,
Жимгина ором ол топган аршингда.
Қанча буюкликни қилмагил ҳавас
Адолат кўзғуси турар қаршингда.

Гарчи барчамизга тақдир ҳукмрон,
Гарчи тенг қошида чинордир, хасдир,
Пушкин аталмағай ҳар битта қурбон,
Ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир...

КҮКЛАМ

Олча боғларидан эсган шўх шамол,
Кўзларимни бирдам ёшлаб кетади.
Сўнгра ижод гули кўрсатиб жамол-
Сирли суҳбатларга бошлаб кетади.
Севган ва севилган диллар куйининг
Мусиқасин топар бундан ғазалхон.
Кулгудан сачраган баргларда шудринг,
Қизлар қаҳқаҳаси — чашмалар хандон.
Мени излаб яна келдингми, гўзал,
Меҳнат ва ижодни севдинг — севилинг.
Севганим, эй ўлкам, баҳорсан азал,
Қалбимга шеърдек туюлдинг...
Кумуш тонг саҳнидан нурлар таратгин,
Сени кутар олдда меҳнат, ижод, иш.
Яна ҳам дилбарроқ, қуйлар яратгин,
Нозик сезги каби билмасдан тиним.
Майсазор шовуллар, қушлар чийиллар.
Қаштакор қуёшнинг кўркам зийси...
Фасллар китобин асл бобисан
Ўлкамининг эй кўклам поэзияси!

ИЗҲОР


Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,
Қанча манзилларда туздим ошён,
Ва буюк ҳикматга охир юз бурдим,
Сийлаган жойида азиздир инсон.

Юртим сенга экан насибам тугал,
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен онам, сен синглим, ёримсан, азал,
Эй жоним, жаҳоним Ўзбекистоним.

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам,
Иста, яхши кунда номим қилгил ёд.
Менсиз ҳам мукамал экан бу олам,
Менсиз ҳам бахтта ёр экан одамзот.

Юртим, фақат сенинг кўлингни тутиб,
Болаингдай эргашиб кета олсам бас.
Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДА ЕТТИ КУН



ДУШАНБА, 13

O'ZBEKISTON

Хурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба 13 март кuni "O'zbekiston" телерадиоканали уз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

- 14.55 Кўрсатувлар дастури.
- 15.00 "Тахлилнома".
- 15.45 ТВ анонс.
- 15.50 "Сизнинг адвокатингиз".
- 15.55 "Олам ва одам" дастури: "Завқ-шавқ ба-хоси".
- "Болалар сайраси":
- 16.45 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
- 17.00 "Ахборот".
- 17.10 ТВ анонс.
- 17.15 "Равнақ" студияси намойиш этади.
- 17.30 "Олтин мерос".
- 17.35 ТВ анонс.
- 17.40 "Банк ва микоз".
- 17.50 "Умр дафтари". Ш. Холмирзаев. 1-қисм.
- 18.10 "Оқшом наволари".
- 18.20 "Шаҳзода ва канизак". Видеофильм. 1-қисм.
- 19.00 "Аъло ўйинчи". Телелотерея.
- 19.20 Биржа ва банк хабарлари.
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
- 20.00 ТВ анонс.
- 20.05 "Омон бўлинг!".
- 20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
- 21.00 "Ахборот".
- 21.35 ТВ анонс.
- 21.40 "Эркин мазму".
- 22.00 "Ярқирок тош сири". Телесериал премьераси.
- 23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бе-риш).
- 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Пўлат гилди-рақлар".
- 00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

- 13.55 Дастурнинг очилиши.
- 14.00 SMS тест + анонслар.
- 14.05 "Шубха". Телесериал.
- 14.50 Кино SMS.
- 14.55 Оила - муқаддас маскан.
- 15.00 Ватанпарвар.
- 16.00 Давр.
- 16.10 Интерфутбол.
- 17.50 Катрада қўёш.
- 18.10 Кино SMS.
- 18.15 Ёшлар овози.
- 18.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
- 18.50 Мафтунингман, дйёрим!
- 18.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 SMS тест + анонслар.
- 19.40 Қўзил худуд.
- 19.55 Рақурс.
- 20.10 Мусикий лаҳза.
- 20.15 Кино SMS.
- 20.20 "Омондаги аёллар". 1-қисм.
- 20.35 SMS тест + анонслар.
- 20.40 UzEX хабарлари.
- 20.50 Эълонлар.
- 21.00 "Шубха". Телесериал.
- 21.45 SMS тест + анонслар.
- 21.50 Мусикий лаҳза.
- 21.55 Иқлим.
- 22.00 Давр.
- 22.35 Мусикий лаҳза.
- 22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
- 22.50 "Эсмеральда". Телесериал.
- 23.20 Дастурнинг ёпилиши.

TOSHKENT

- 18.20 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.30 "Пойтахт" /рус тилида/.
- 18.50 Болалар экранлари.
- 19.00 "Саломат бўлинг".
- 19.20 "Табриқлаймиз-кутлаймиз".
- 19.50, 20.50 "Телекурьер маркет".
- 20.00 "Пойтахт".
- 20.20, 22.20 "Экспресс" телегазетаси.
- 20.30 "Камила". Телесериал.
- 21.00 "Махсус муҳбир".
- 21.20 М. Исомил. "Балогат бекати". Видеофильм. 1-қисм.
- 22.30 Кинононгоқ "Фаройиб рейс".
- 23.55-24.00 "Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT-TV

- 7.00 "Бодро удро".
- 8.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
- 8.30 "Тэппейнинг саргузаштлари". Мультсериал.
- 9.00 "Талкин". Информацион-таҳлилий курсатуви.
- 9.30 "Талисман". Сериал.
- 10.10 "Соглом авлод".
- 10.25 Жаҳон спорти: Баскетбол. NBA.
- 11.25-12.15 Футбол. Узбекистон чемпионати "На-саф". "Баҳор".
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Мультфильм.
- 18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
- 18.50 "Халқ ўйинлари".
- 19.10 "Тавинственне города Азии". Док. фильм.
- 20.00 "Вести".
- 20.30 "Спортмиз малликлари".
- 20.45 "Футбол плус".
- 21.30 "Хабарлар".
- 21.50 "Превратности любви". Сериал.
- 22.50 Эркин кураш. Гран-при халқаро турнири.
- 23.50 "Проф-РИНГ".
- 00.40 "Тунингиз осуда бўлинг!"

ПЕРВЫЙ

- 6.00 Телеканал «Доброе утро»
- 9.00 Новости
- 9.05 «Убойная сила». Многосерийный фильм
- 10.20 Детективы
- 10.50 Алла Крюка в ироническом детективе «Ев-ламлия Романова. Следствие ведет дилетант»
- 12.00 Новости
- 12.20 «Ведьмы наших дней». Документальный фильм
- 13.00 Фильм «Двойной форсаж» (2003 год)
- 15.00 Новости (с субтитрами)
- 15.10 «Лолита. Без комплексов»
- 16.00 Сериал «Талисман»
- 17.00 «Федеральный судья»
- 18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 18.20 Премьера. «Большие девочки»
- 18.50 «Две судьбы». Предисловие
- 21.00 Время
- 21.30 Премьера. «Две судьбы». Многосерийный фильм
- 22.30 «Частный сыск. Уличить в неверности». Документальный фильм
- 23.40 Ночные новости
- 0.00 Теория вероятности. «Семейные про-клятья»
- 0.50 «Гении и злодеи». «Отто Бисмарк. Желез-ный канцлер»
- 1.20 Мэтт Дэймон в приключенческом фильме «Неукротимые сердца»
- 3.00 Новости
- 3.05 Фильм «Черное и белое»
- 4.40 Суперчеловек. «Жить без боли»
- 5.00 Новости
- 5.05 «Жить без боли». Продолжение

РОССИЯ

- 5:00 «Доброе утро, Россия!»
- 8:45 Евгения Добровольская, Ада Роговцева, Екатерина Васильева, Игорь Бочин, Елена Про-кова, Екатерина Семенова и Владимир Симо-нов в телесериале «Очасть по рецепту».
- 9:45 «Кабачок страны Советов».
- 10:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 11:00 ВЕСТИ.
- 11:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 11:50 Дмитрий Назаров, Наталия Житкова, Алек-сей Шугов, Ярослав Бойко и Андрей Ильин в детективном сериале «Вызов». Фильм 2-й. «Ог-ражение».
- 12:50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
- 13:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 14:00 ВЕСТИ.
- 14:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 14:40 Жанна Эппле, Дмитрий Брусникин, Вла-димир Еременко и Галина Польских в криминаль-ной комедии «Сумасбродка». 2005г.
- 16:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 17:00 ВЕСТИ.
- 17:15 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
- 17:50 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
- 18:45 ПРЕМЬЕРА. Михаил Мамаев, Виктор Вер-жбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булда-ков, Александр Берда, Владимир Долгинский и Анатолий Лобочий в телесериале «Волница».
- 19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
- 20:00 ВЕСТИ.
- 20:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
- 21:00 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Юрий Кузнецов, Алексей Нилов, Сергей Селин, Юрий Тара-сов, Владимир Шевельков и Анастасия Мельни-кова в телесериале «Опера-2. Хроники убой-ного отдела».
- 22:40 Комедия «СУПЕРСТАР» /США/
- 0:20 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ». Ток-шоу Татьяны Толстой и Анюты Смирновой. Павел Сногков
- 1:15 «ВСЕ СРАЗУ!» с Петром Фадеевым
- 1:45 Шон Эстли, Джоз Бродли и Джефф Козз в приключенческом фильме «БАЛБЕСЫ» /США/
- 3:35 Донна Спейр, Роберта Васкес и Джеф-фри Мур в комедийном боевике «ГОТОВЫЙ УБИВАТЬ» /США/
- 5:10 Сериал «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТ-ДЕЛ» /США/

TNT

- 5.45 «Москва: инструкция по применению». Дайджест.
- 6.10 «Приключения Рекса». Мультпликацион-ный сериал. 20-я серия.
- 6.40 «Сейлормун». Аниме. 25-я серия.
- 7.05 «Глобальные новости». Авторская про-грамма Павла Глобы.
- 7.10 «Никелдеон на ТНТ»: «Губка Боб Квад-ратные штаны». 16-я серия.
- 7.35 «Никелдеон на ТНТ»: «Ох уж эти дети». 77-я серия.
- 8.00 «Никелдеон на ТНТ»: «Дикая семейка Торнберри». 2-я серия.
- 8.25 Предприниматель.
- 8.40 Наши песни.
- 9.00 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ». Теленовелла. 64-я серия.
- 10.00 «ПРОЕКТ «АЛЬФА». Комедия. США - Гер-мания, 1995 г.
- 12.15 «Никелдеон на ТНТ»: «Как говорит Джен-джер». 18-я серия.
- 12.40 «Никелдеон на ТНТ»: «Эй, Арнольд!» 51-я серия.
- 13.05 «Никелдеон на ТНТ»: «Крутые бобры». 7-я серия.
- 13.30 Такси.
- 14.00 «ДЕВСТВЕННИЦА». Теленовелла. 61-я се-рия.
- 15.00 Реалити-шоу [ОФИС].
- 16.00 Реалити-шоу «Дом-2. Новая любовь»
- 17.00 «Школа ремонта». «Каска для каскаде-ра».
- 18.00 «Возможности пластической хирургии». Ре-

- алити.
- 19.00 Такси.
- 19.30 Москва: инструкция по применению.
- 20.00 «Запретная зона» с Михаилом Порчен-ковым. Ток-шоу.
- 21.00 Реалити-шоу «Дом-2. Новая любовь!»
- 22.00 «ТНТ-комедия»: «ПОЛИЦЕЙСКАЯ АКАДЕ-МИЯ-6». США, 1989 г.
- 0.00 Реалити-шоу. Спецключенне «Дом-2. Пос-ле заката».
- 0.30 Москва: инструкция по применению.
- 1.00 Наши песни.
- 1.20 Реалити-шоу [ОФИС].
- 2.20 «СОБАКА НА ИГРЕ В КЕГЛИ». Комедия. Франция, 1983 г.

СТС

- 8.00 «ФОРМУЛА». Многосерийный художествен-ный фильм.
- 8.50 «Смешарики». Многосерийный мультипли-кационный фильм.
- 9.00 «Веселые мелодии». Многосерийный мульт-пликационный фильм.
- 9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
- 10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерий-ный художественный фильм.
- 11.00 Истории в деталях.
- 11.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 11.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
- 12.00 Кино на СТС. «ВИД СВЕРХУ ЛУЧШЕ».
- 13.50 «Ну, погоди!» Мультпликационный фильм.
- 14.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Многосерийный худо-жественный фильм.
- 15.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Многосерийный художественный фильм.
- 15.30 «Соник Икс». Многосерийный мультипли-кационный фильм.
- 16.00 «Человек-паук». Многосерийный мульти-пликационный фильм.
- 16.30 «Король Артур и рыцари без страха и упрека». Многосерийный мультипликационный фильм. (Окончание показа).
- 17.00 «Шаман Кинг». Многосерийный мульти-пликационный фильм.
- 17.30 «Звездный десант». Многосерийный мульт-пликационный фильм.
- 18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬ-КАЯ ВЕДЬМА».
- 18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ». Мно-госерийный художественный фильм.
- 19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный худо-жественный фильм.
- 20.25 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
- 21.30 Истории в деталях.
- 21.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерий-ный художественный фильм.
- 23.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯ-ИН?»
- 23.30 Кино на СТС. «СТЕРВА».
- 1.30 Истории в деталях.
- 1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
- 2.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯ-ИН?»
- 2.30 Детали.
- 3.30 «33 квадратных метра». Юмористическая программа.
- 4.30 Кино на СТС. «ИНОПЛАНЕТНАЯ УГРОЗА».
- 5.55 «ШПИОНКА». Многосерийный художествен-ный фильм. 2 серии.

НТВ

- 6:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ»
- 9:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
- 10:00 «СЕГОДНЯ»
- 10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
- 10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
- 11:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
- 13:00 «СЕГОДНЯ»
- 13:35 Сериал «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ»
- 15:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
- 16:00 «СЕГОДНЯ»
- 16:20 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
- 18:30 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕ-СТВИЕ»
- 19:00 «СЕГОДНЯ»
- 19:40 ПРЕМЬЕРА. Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ-7: ЖЕНЩИНА МОЕЙ МЕТЧЫ»
- 20:50 ПРЕМЬЕРА. Андрей Краско, Евгения Тро-фимова, Владимир Меньшов и Андрей Зибров в сериале «У. Е.»
- 22:00 «СЕГОДНЯ»
- 1:45 Шон Эстли, Джоз Бродли и Джефф Козз в приключенческом фильме «БАЛБЕСЫ» /США/
- 3:35 Донна Спейр, Роберта Васкес и Джеф-фри Мур в комедийном боевике «ГОТОВЫЙ УБИВАТЬ» /США/
- 5:10 Сериал «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТ-ДЕЛ» /США/

REN-TV

- 8.30 «Морские улитки». Мультпликационный се-риал (США).
- 8.55 «Jetix» на REN TV: «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ, ДИКИЙ МИР». Телесериал (США).
- 9.40 «МЭШ». Комедийный сериал (США).
- 10.35 «Онвидец» с Сергеем Ростом.
- 11.30 «24». Информационная программа.
- 11.50 Час суда. Дела семейные.
- 12.50 «Час суда» с Павлом Астаховым.
- 14.00 TV-club.
- 14.30 «24». Информационная программа.
- 15.00 «Невероятные истории» с Иваном Дыхо-вичным.
- 16.00 «Мистер Бин». Комедийное шоу Роузана Аткинсона (Англия).
- 16.15 «СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Телесериал (США).
- 17.15 Мозголомы: насилие над наукой.
- 18.30 «АФРОМОСКВИЧ-2». Комедийный сери-ал.
- 19.45 «Онвидец» с Сергеем Ростом.
- 20.45 «Мистер Бин». Комедийное шоу Роузана Аткинсона (Англия).
- 22.00 «СПЕЦОТЯД «КОБРА-11». Телесериал (Германия).
- 23.10 «СОЛДАТЫ-6». Телесериал.
- 0.20 «СТУДЕНТЫ». Телесериал.
- 1.30 «24». Информационная программа.
- 2.15 Проверено на себе.
- 3.05 Лучшие клипы мира.

СЕШАНБА, 14

O'ZBEKISTON

- 6.25 Кўрсатувлар дастури.

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 ТВ анонс.
- 8.40 «Олтин мерос».
- 8.50 «Олам ва одам» дастури: "Пўлат гилди-рақлар".
- 9.40 ТВ анонс.
- "Болалар сайраси":
- 9.45 "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
- 10.30 ТВ анонс.
- 10.35 "Остонаси тиллодан".
- 10.55 Биржа ва банк хабарлари.
- 11.00 "Ахборот".
- 11.10 ТВ анонс.
- 11.15 "Омон бўлинг!".
- 11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
- 11.55 "Олтин мерос".
- 12.00 "Шўрданак. Ҳажвий кўрсатув".
- 12.20 "Умр дафтари". Ш. Холмирзаев. 1-қисм.
- 12.40 ТВ анонс.
- 12.45 "Ярқирок тош сири". Телесериал.
- 13.50 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бе-риш).
- 14.00 "Ахборот".
- 14.15 ТВ анонс.
- 14.20 "Шахсий фикр".
- 14.55 "Жаҳоҳир".
- 15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
- 15.10 ТВ анонс.
- 15.15 "Жаҳон мусикаси хазинасидан". Верди. "Аида" операси. 1-қисм.
- "Болалар сайраси":
- 16.35 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
- 17.00 "Ахборот".
- 17.10 ТВ анонс.
- 17.15 "Олтин мерос".
- 17.25 "Тарих кўзуси".
- 17.45 ТВ анонс.
- 17.50 "Эркин иқтисодиёт".
- 18.10 "Умр дафтари". Ш. Холмирзаев. 2-қисм.
- 18.30 ТВ анонс.
- 18.35 "Оқшом наволари".
- 18.45 "Шаҳзода ва канизак". Видеофильм. 2-қисм.
- 19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
- 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
- 20.00 ТВ анонс.
- 20.05 "Омон бўлинг!".
- 20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
- 21.00 "Ахборот".
- 21.35 ТВ анонс.
- 21.40 "Эркин муносиб эгасини топши - дол-зарб масала".
- 22.00 "Ярқирок тош сири". Телесериал.
- 23.10 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бе-риш).
- 23.20 "Олам ва одам" дастури: "Дунёдаги энг катта муҳомона".
- 00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

- Телетомошабинлар диққатига!
- Профилактика муносабати билан, сешанба. 14 март кuni "Ёшлар" телерадиоканали уз кўрсатувларини соат 13.55 дан бошлайди.
- 13.55 Дастурнинг очилиши.
- 14.00 «ЯНГИ КҲН». Ахборот дам олиш дастури.
- 15.00 Кино SMS.
- 15.05 "Даллас". Телесериал.
- 15.50 "Ёшлар" фототановли.
- 15.55 SMS-тест + анонслар.
- 16.00 Давр.
- 16.10 Талабалар шахарчаси.
- 16.30 Рақурс.
- 16.45 Болалар экранлари: Ўрмон мактаби.
- 17.00 Эрика.
- 17.10 Болалар табассуми.
- 17.15 SMS тест + анонслар.
- 17.20 Мусикий лаҳзалар.
- 17.35 Кино SMS.
- 17.40 "Дўстимнинг тўйи". Бадий фильм. 1-қисм.
- 18.10 Ёшлар овози.
- 18.25 ТВ-дорихона.
- 18.35 Cinema Bolivud.
- 18.50 Мафтунингман, дйёрим!
- 18.55 Иқлим.
- 19.00 Давр.
- 19.35 SMS тест + анонслар.
- 19.40 Автопатруль.
- 20.00 «JOKER» телелотереяси.
- 20.10 Мусикий лаҳзалар.
- 20.20 "Омондаги аёллар". 2-қисм.
- 20.35 Таълим ва тараққий.
- 20.50 Эълонлар.
- 21.00 «Шубха». Телесериал.
- 21.45 Кино SMS.
- 21.50 SMS тест + анонслар.
- 21.55 Иқлим.
- 22.00 Давр.
- 22.35 Мусикий лаҳза.
- 22.40 "Эсмеральда". Телесериал.
- 23.10 Дастурнинг ёпилиши.

TOSHKENT

- 18.20 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.30 "Пойтахт" /рус тилида/.
- 18.50 Болалар экранлари.
- 19.05 "Инон ва қонун".
- 19.20 "Табриқлаймиз-кутлаймиз".
- 19.50, 20.50 "Телекурьер маркет".
- 20.00 "Пойтахт".
- 20.20, 22.30 "Экспресс" телегазетаси.
- 20.35 "Камила". Телесериал.
- 21.00 "Наврўзининг қайтиши".
- 21.30 М. Исомил. "Балогат бекати". Видео-фильм. 2-қисм.
- 22.40 Кинононгоқ "Ишқдги ишқ". 1-қисм.
- 00.05-00.10 "Хайрли тун шаҳрим".

SPORT-TV

- 7.00 "Бодро удро".
- 8.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
- 8.20 "Тэппейнинг саргузаштлари". Мультсери-ал.
- 8.40 Пауэрлифтинг. Узбекистон чемпионати.
- 9.00 "Хабарлар".
- 9.20 "Талисман". Сериал.
- 10.00 Жаҳон спорти: "Теннис".
- 11.00 "Кикбоксинг салтанати".
- 11.30-11.45 Хор жамоасини концерти.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Болалар спорти".
- 18.15 Мультфильм.
- 18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
- 18.50 "Вокруг света".
- 19.15 "Сам себе режиссёр".
- 20.00 "Вести".
- 20.30 "Футбол шарқи".
- 20.50 "Тақдир чизилари".
- 21.10 "Спорт салтанати".
- 21.30 "Хабарлар".
- 21.50 Эркин кураш. Гран-при халқаро турнир.
- 22.50 "Эмма". Худ. фильм.
- 00.40 Жаҳон спорти: Футбол. Чемпионлар ли-гаси. "Интер".

- "Акс" (Тугридан-тўғри олиб кўрсатилади)
- 2.40 "Тунингиз осуда бўлинг!"

ПЕРВЫЙ

- 6.00 Телеканал «Доброе утро»
- 9.00 Новости
- 9.05 «Убойная сила». Многосерийный фильм
- 10.20 Детективы
- 10.50 Алла Крюка в ироническом детективе «Ев-ламлия Романова. Следствие ведет дилетант»
- 12.00 Новости
- 12.20 «Черный ворон». Многосерийный фильм
- 13.30 Дисней-клуб: «По следам Микки Мауса»
- 13.50 «Две судьбы». Многосерийный фильм
- 15.00 Новости (с субтитрами)
- 15.10 «Лолита. Без комплексов»
- 16.00 Сериал «Талисман»
- 17.00 «Федеральный судья»
- 18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
- 18.20 Премьера. «Большие девочки»
- 18.50 Премьера. «Любовь как любовь». Много-серийный фильм
- 19.50 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
- 21.00 Время
- 21.30 Премьера. «Две судьбы». Многосерий-ный фильм
- 22.30 «К-219. Последний поход». Документаль-ный фильм
- 23.40 Ночные новости
- 0.00 «2030». Программа Александра Гордона
- 1.10 Расселл Кроу в боевике «Нет пути назад»
- 2.50 Приключенческий фильм «Бутылочная ра-кета»
- 3.00 Новости
- 3.05 Приключенческий фильм «Бутылочная ра-кета». Окончание
- 4.40 Спецрасследование. «Сердце на прода-жу»
- 5.00 Новости
- 5.05 «Сердце на продажу». Окончание

РОССИЯ

- 5:00 «Доброе утро, Россия!»
- 8:45 Юрий Кузнецов, Алексей Нилов, Сергей Селин, Юрий Тарасов, Владимир Шевельков и Анастасия Мельникова в телесериале «Опера-2. Хроники убойного отдела».
- 9:45 «Дело лейтенанта Шмидта».
- 10:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 11:00 ВЕСТИ.
- 11:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 11:50 Дмитрий Назаров, Наталия Житкова и Алексей Шугов в детективном сериале «Вы-зов». Фильм 3-й. «Чужая тень».
- 12:50 «Частная жизнь». Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.
- 13:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 14:00 ВЕСТИ.
- 14:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 14:40 Светлана Антонова, Денис Матросов, Ос-кар Кучера и Татьяна Васильева в комедийном сериале «Любовь моя».
- 15:10 «Суд идет».
- 16:25 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
- 16:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 17:00 ВЕСТИ.
- 17:15 «Кулагин и партнеры».
- 17:50 «Обреченная стать звездой». Телесери-ал.
- 18:45 ПРЕМЬЕРА. Михаил Мамаев, Виктор Вер-жбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булда-ков, Александр Берда, Владимир Долгинский и Анатолий Лобочий в телесериале «Волница».
- 19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
- 20:00 ВЕСТИ.
- 20:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 20:50 «Спокойной ночи, малыши!».
- 21:00 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Юрий Куз-нецов, Алексей Нилов, Сергей Селин, Юрий Тара-сов, Владимир Шевельков и Анастасия Мельни-кова в телесериале «Опера-2. Хроники убой-ного отдела».
- 21:55 ПРЕМЬЕРА. Дмитрий Назаров, Наталия Житкова и Алексей Шугов в детективном се-риале

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИДА ЕТТИ КУН

1.15 Наши песни.
1.30 Реалити-шоу [ОФИС].
2.30 «БОЛЬШАЯ ЖРАТВА». Сатирической проза. Франция, 1973 г.

СТС

8.00 «ФОРМУЛА». Многосерийный художественный фильм.
8.50 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.00 «Веселые мелодии». Многосерийный мультипликационный фильм.
9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
11.00 История в деталях.
11.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
11.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
12.00 Кино на СТС. «СТЕРВА».
14.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Многосерийный художественный фильм.
15.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Многосерийный художественный фильм.
15.30 «Соник Икс». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.00 «Человек-паук». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.30 «Самурай Икс». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.00 «Шаман Кинг». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.30 «Звездный десант». Многосерийный мультипликационный фильм.
18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ». Многосерийный художественный фильм.
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный художественный фильм.
20.25 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 История в деталях.
21.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
23.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?».
23.30 Кино на СТС. «БЕРЕГИСЬ, МЕРЗАВЕЦ!».
1.30 История в деталях.
1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
2.00 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?».
2.30 Детали.
3.30 «ШПТ». Многосерийный художественный фильм.
4.20 Фильмы производства ВВС. «Большой окрет Хендрикс Шока».
5.10 Фильмы производства ВВС. «Путешествие во времени».
6.00 «ШПИОНКА». Многосерийный художественный фильм. 2 серии.

8.50 «Олам ва одам» дастури. «Дундаги энг катта мехмонона».
9.40 ТВ анонс.
9.45 «Эрэнг» муносиб эгани тоғиш - дигарб масала».
10.05 «Дийр оянглари». Республика телевизион фестивали. Наманган.
10.50 ТВ анонс.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Омон бўланг».
11.20 «Ишқ эртанг». Телесериал.
11.55 «Олтин мерос».
12.00 «Ягона оила».
12.20 «Умр дафтари». Ш. Холмиров. 2-кўсм.
12.40 ТВ анонс.
12.45 «Ярқирак тош сирг». Телесериал.
13.50 «Кўшигимсан, мураббат» (SMS. Овоз берилди).
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Меър кўда».
15.00 «Жаҳон мусиқаси хазинасидан». Верди. «Аида» операси. 2-кўсм.
15.05 «Болалар сайраси».
16.15 «Эрталар - яшайлик етаклар».
16.35 2006 йил - «Хамийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик» дастури.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Олтин мерос».
17.25 «Таълимга эътибор - калаҳақа эътибор».
17.45 «Машҳурангиз қизлари».
18.05 ТВ анонс.
18.10 «Умр дафтари». Ш. Холмиров. 3-кўсм.
18.30 «Оқим наволари».
18.40 «Шаҳода ва кинзақ». Видеофильм. 3-кўсм.
19.20 Бирка ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўланг».
20.10 «Ишқ эртанг». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Олтин мерос».
21.50 «Фирибгарнинг йўли қисқа». Хужжатли фильм.
22.00 «Ярқирак тош сирг». Телесериал премьераси.
2.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
23.10 «Кўшигимсан, мураббат» (SMS. Овоз берилди).
23.20 «Олам ва одам» дастури. «Самовий археология».
00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

6.25 Дастуринг очилди.
6.30 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.
8.00 Давринг боласи.
8.10 Расмлар сўзлаганда.
8.15 Болалар табасуми.
8.20 Эврика.
8.30 SMS тест + анонслар.
8.35 «Эсмэралда». Телесериал.
9.35 Ёшлар овози.
9.50 Уй вазираси.
10.10 Кино SMS.
10.15 «Шубҳа». Телесериал.
11.00 Давр.
11.05 SMS тест + анонслар.
11.10 ТВ-дорихона.
11.20 «Императорнинг мафий фармони». Бадрий фильм.
12.50 Муслик ласалар.
13.00 Давр.
13.10 «Шумтакалар». Болалар учун мультсериал.
13.25 Кино SMS.
13.30 «Рей Браздери театри». Телесериал.
13.55 SMS тест + анонслар.
14.00 «ЯНГИ КҮН». Ахборот дам олиш дастури.
15.00 «Даллас». Телесериал.
15.45 SMS тест + анонслар.
15.50 «Ўзбектеlevision» намойиши. «Бахр лавалари».
16.00 Давр.
16.10 «Ёшлар» фототанлови.
16.15 Жонли табиат: «Зебралар».
17.05 Кино SMS.
17.10 «Болалар экранда спорт».
17.25 Давринг боласи.
17.35 Муслик ласра.
17.40 «Дўстимизг тўйи». Бадрий фильм. 2-кўсм.
18.15 Менинг лицийим.
18.20 Ёшлар овози.
18.35 Кино SMS.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, дийрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS тест + анонслар.
19.40 «Очил дастуринг» хангомалари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Муслик ласалар.
20.20 «Омондаги аёллар». 3-кўсм.
20.35 Давр мавзуси.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Телесериал.
21.45 SMS тест + анонслар.
21.50 Муслик ласра.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Муслик ласра.
22.40 «Эсмэралда». Телесериал.
23.10 Дастуринг ёзилди.

TOSHKENT

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт» (рус тилида).
18.50 Болалар экрани.
19.00 «Хаммаҳарлар».
19.20 «Табрикликим» кутлайми».
19.50, 20.50 «Телекурёр маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.20, 21.20 «Экспресс» телегазетаси.
20.30 «Камила». Телесериал.
21.00 «Тошкент вокзали». Видеофильм.
21.30 Киноингос: «Ишқдаги ишқ», 2-кўсм.
22.35-22.40 «Хайри тун, шарим»

SPORT-TV

7.00 «Бодро утро».
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
8.20 «Тэлпейнинг саргуашлари». Мультсериал.
8.40 Пауэрлифтинг.
9.00 «Хабарлар».
9.20 «Талиман». Сериал.
10.00 «Кучи бешлик».
10.40-11.10 «Нокаут».
11.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.

18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.50 «Ким нимага қарай?»
19.15 «В локсах приключений».
20.00 «Вести».
20.30 «Бақидирлар ўйнаг».
20.50 Эрон кураш. Гран-при халқаро турнир.
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Превратности любви». Сериал.
22.50 Жаҳон спорти. Еврофутбол.
00.25 «Тунинг осуда бўлиг»

ПЕРВЫЙ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Убойная сила». Многосерийный фильм
10.20 Детективы
2:10 Лейтенант Коломбо в детективе «Последний салют командору»
4:00 Сериал «Битва за галактику»
4:40 «Ушел из дома и не вернулся». Документальный фильм

РОССИЯ

6:00 «Доброе утро, Россия!».
7:20 «Сельский час».
7:45 «Бинго миллион». Результаты розыгрыша.
8:00 ВЕСТИ.
8:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
8:20 «Диалог» о животных».
8:55 Евгения Симонова, Александр Кайдановский, Николай Гринько,Вахтанг Кикабидзе и Николай Овсянко в остросюжетном фильме «Пропавшая экспедиция». 1975г.
11:00 ВЕСТИ.
11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12:45 «Сам себе режиссер».
12:45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
13:15 «Парламентский час».
14:00 ВЕСТИ.
14:20 «Фитиль №78». Сатирический тележурнал.
15:05 ПРЕМИЯ «ОСКАР». Дэвис Куэйд и Мер Райан в комедии «Внутреннее пространство» (США). 1987г.
17:25 Праздничный концерт, посвященный 100-летию подводного флота России.
20:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ» с Сергеем Брилевым.
21:00 «Специальный выпуск»
21:25 СДЕЛАНО В РОССИИ. ПРЕМЬЕРА. Дмитрий Орлов, Владимир Гостюхин, Юрий Степанов, Виктор Сухоруков, Нина Русланова и Елизавета Боярская в фильме «Первый после Бога», 2005г.
23:30 ПРЕМЬЕРА Клуб «Театр-ТВ». «Учитель и ученик».
1:20 Джуд Лоу, Гвинет Пэлтроу и Анджелина Джоли в фильме «Небесный капитан и мир будущего» (США). 2004г.
3:30 «Горная достяпа».
4:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

TNT

7.00 «Неизвестная планета». Научно-популярная передача.
7.25 «Кукушка и скворец». «Олень и волк». «Лиса-строитель». Мультипликационные фильмы.
8.00 «Сейлормун». Аниме. 33-35 серии.

9.10 «Каламбур». Юмористический журнал.
9.35 «Фигли-Мигли». Юмористический журнал.
10.00 «Охотник на крокодилов». «Белый крокодил Каспер». Документальный фильм.
11.00 «СЕМЕЙКА БРЭДИ». Комедия. США, 1995 г.
13.00 «Русалочка». Мультипликационный фильм.
13.30 «Школа ремонта». «Золотая рыбка для любимой».
14.30 «Каламбур». Юмористический журнал.
15.00 Реалити-шоу [ОФИС].
16.00 Реалити-шоу «Дом-2. Новая любовь!»
17.00 «САША + МАША». Комедия.
17.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия. 4-я серия.
18.00 «Школа ремонта». «Черная кошка, белый кот».
19.00 «Фигли-Мигли». Юмористический журнал.
19.30 «Москва: инструкция по применению». Дайджест.
20.00 Реалити-шоу [ОФИС].
21.00 Реалити-шоу «Дом-2. Новая любовь!»
22.00 Комеди Клуб.
23.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия. 4-я серия.
23.30 Реалити-шоу. Спецвключение «Дом-2. После заката».
0:00 «Секс» с Анфисой Чеховой.
0:30 «Правила секса». Познавательный сериал. 16-я серия.
1:00 Наши песни.
1:20 Реалити-шоу [ОФИС].
2:20 «ЭРНЕСТ ПОГАДАЕТ В ТЮРЬМУ». Комедия. США, 1990 г.

СТС

8.00 «ДЕЛА СЕМЕЙНЫЕ». Художественный фильм.
9.25 «Каникулы Бонифация». Мультипликационный фильм.
9.50 «Семья почему-то». Многосерийный мультипликационный фильм.
10.20 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
10.30 «Флиппер и Лопак». Многосерийный мультипликационный фильм.
11.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
11.30 «Итси-Битси паучок». Многосерийный мультипликационный фильм.
12.00 Кино на СТС. «ПРОДЕЛКИ БИВЕРА».
14.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Швацкой.
16.00 «Снимите это немедленно». Развлекательная программа с элементами реалити-шоу.
17.00 Фильмы производства ВВС. «На краю жизни». 1-я серия.
18.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
18.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм. (Повтор серий от 13 - 17 марта).
23.00 19-я торжественная церемония вручения национальной кинематографической премии «Ника».
2:50 Кино на СТС. «АНГЛИЧАНИН».
4:30 Кино на СТС. «КРЫСЫ».
6:00 Фильмы производства ВВС. «Погода». 1-я серия. «Ветер». 2-я серия. «Вода».

НТВ

5:55 Комедия «ЛЮБОВЬ С УВЕДОМЛЕНИЕМ» /США/
7:30 Детское утро на НТВ. «СКАЗКИ БАЖЕ-НОВА»
8:00 «СЕГОДНЯ»
8:20 ПРЕМЬЕРА. Комедийный сериал «ДЖОИ» /США/
8:40 «ИХ ПРАВИЛ»
9:25 «ЕДИМ ДОМА!»
10:00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
10:50 «TOP GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
11:30 «ЦЕНА УДАЧИ»
12:20 «РАСТИТЕЛЬНОЕ ЖИЗНЬ». Программа Павла Лобкова.
13:00 «СЕГОДНЯ»
13:20 «СТИХИЯ». Программа Ивана Усачева
14:00 Анна Каменкова, Владимир Бирюков и Сергей Проханов в фильме «МОЛОДАЯ ЖЕНА»
16:00 «СЕГОДНЯ»
16:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ». Программа Кирилла Набутова.
16:55 «СВОЯ ИГРА»
17:55 Сериал «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ» 19:0:0 «СЕГОДНЯ. ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА» с Кириллом Поздняковым 19:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
20:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
20:55 СЕРИАЛ ПО ВЫХОДНЫМ. Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7» 22:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ»
23:30 ПРЕМЬЕРА. Сериал «ЗОНА» 1:15 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ» 1:50 Майкл Кейн в остросюжетном фильме «УРАТЬ КАРТЕРА» /США/ 3:40 Оливер Рид и Ванесса Рэдгрив в фильме «ДЬЯВОЛЫ» /Англия/
5:35 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»

РЕН-ТВ

9.00 «Дикая планета»: «Огонь и лед: Исландская сага». Документальный фильм (Англия).
10.00 «Дуг». Мультипликационный сериал (США).
10.25 «Jetix» на REN TV»: «Близняшки-пятерняшки». Мультипликационный сериал (США).
11.00 «Формула-1»: «Обратные отсчет».
11.45 «Формула-1». Гонка. Прямая трансляция из Малайзии.
13.45 «Формула-1»: Лучшие моменты.
14.30 Камера кафе.
14.50 Военная тайна.
15.30 «24». Информационная программа.
15.50 «Неделя» с Марианной Максимовской.
17.05 «Невероятные истории» с Иваном Дыховичным.<

Хар бир даврнинг ўзига хос шоҳ фильмлари бўлади. Йигирманчи аср ўртала-рида «Тоҳир ва Зухра», «Навой» каби фильмлар ўз даврининг энг сара кино асарлари деб таъкидланса, сўнгрок «Тўйлар муборак», «Мафтунингман», «Махаллада дув-дув гап», «Ўтган кунлар», «Сўюнчи» фильмлари шухрат қозонди. Санаб ўтилган фильмларнинг муваффақияти шундаки, уларда айнан ўзбек халқи ҳаёти, миллий-урф одатлари тараннум этилган. Шунча йиллар ўтса ҳам мазкур фильмларни мухлислар ханузгача қизиқиб томоша қилишади. Бироқ, кейинги пайтда яратилган фильмларимизга нисбатан ҳам ушба фикрни айтиш мумкинми? Балки, мухлислар орасида шов-шув бўлган «Шайтанат» ёки «Муҳаббат синовлари» фильми йиллар ўтиб улугланар. Буни вақт кўрсатади, албатта.

Умуман, кейинги йилларда яратилган ўзбек фильмларида жиддий камчиликлар борки, уларни бартараф этмай туриб келажак авлодга яхши фильмлар қолдира олмаймиз, дейишяпти соҳа мутахассислари. Кўйида кино ижодкорлар билдирган ана шу фикрларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Шухрат АББОСОВ, кино-режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти.

— Ўзбек кинеси жаҳон санъатидан анча орқада қолиб кетди. Яратилаётган фильмлар сценарийси бўш, техник имкониятлари яхши эмас, каскадёрлардан деярли фойдаланилмайди. Суратга олинаётган бадиий фильмларга кўпинча профессионал актёр ва режиссёрлар жалб этилмаяпти. Натижада, фильмларнинг савияси ҳам шунга яраша бўлмоқда. Лекин, барибир умид бор. Кино санъатини денгиз тўлқинига ўхшатиш мумкин. Вақт ўтиб, кучли бир тўлқин бўлади-да, у кўплаб етук режиссёрларни, актёрларни, фильмларни кашф этади. Ҳозир ўзбек кинеси куч йиғяпти, ана шу куч бир кун келиб катта денгиз тўлқинига айланади. Сўнг, бу ижод тўлқини кўплаб муваффақиятли фильмларни томошабинга ҳавола этади.

Хусан ШАРИПОВ, Ўзбекистон халқ артисти.

— Яратилаётган фильмларда қахрамонлар талқини истеъдодли актёрлар қўлида эмас. Фильмга ҳомий топган киши бош қахрамонни талқин қилаяпти.

Санъат қурувчилик ёки дурдгорликка ўхшаб, тажриба эвазига мукаммал эгаллаш мумкин бўлган соҳа эмас. Инсонда истара, овоз, қаддиқомат, истеъдод, жўшқинлик ва қалб бойлиги каби фазилатлар жам бўлмас экан, у ҳеч қачон санъаткор бўлолмайди. Тўғриси, ундан истеъдодли актёр чиқмайди. Замоनावий ки-

ЭЪТИРОЗЛАРНИНГ БОИСИ НИМАДА?



сифатида айтишимиз мумкинки, «Ўзбекфильм»га ўттиз йил мобайнида кино камера ёки бошқа техник ускуналар сотиб олинмади. Борлари ҳам эскириб, талабга жавоб беролмай қолди. Ҳатто, айрим режиссёрларимиз бошқа жойлардан ижарага кино камера олиб келиб ишлатишга мажбур бўлишяпти. Плёнкага фильм тушириладиганда эпизод бир ёки икки марта суратга олинади,

лайди. Катта тажрибага эга бўлган режиссёр, албатта, яхши сценарийни топади, лозим бўлса унга ўзгартиришлар киритади. Чунки фильмнинг асосий эгаси режиссёрдир. Унинг ютуғига ҳам, камчилигига ҳам айнан режиссёр жавоб беради. Адибларимиз яхши асарлар ёзишяпти, бироқ уларнинг аксарияти фильм қилишга яроқли эмас. Яхши сценарийларнинг юзага кел-

Розиқов, Зулфиқор Мусоқов ва Жаҳонгир Қосимовларни бунга мисол қилиш мумкин. Бироқ, улар томонидан ишланган аксарият фильмларга сарф қилинган молиявий харажатлар ўзини оқламай қўйди. Яратилган фильмларимизни фақат пойтахтимизнинг битта ёки иккита кино театри («Киночилар уйи» ёки «Алишер Навоий» кино саройи)да намойиш этилиши ҳам филь-

дан иборатки, давлат томонидан олинаётган фильмларни қизиқарли қилиш ва халқ ҳаётига яқинлаштириш лозим. Шунингдек, уларнинг рекламасини, фильмда каскадёрлар иштирокини ривожлантириш керак. Томошабинлар ташриф буюрадиган кинотеатрларни ёпиб ташламасдан, бар ёки бошқа маиший магазинларга айлантормасдан уларнинг шарт-шароитини яхшилаб, ўз ҳолига келтириш ва тубдан яхшилаш лозим. Томошабин учун қулай муҳит яратиш мухлисларнинг жалб этилишини таъминлайди. Бундан ташқари, замонавий кинотеатрларни хусусийлаштириш лозим. Шу билан бирга, юзага келаётган фильмларни назорат қилиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш гуруҳи ва ҳуж-



жати фильмларни ишлаш давлат тасарруфида бўлгани яхши. Чунки, бугун катта маблағ сарф қилиниб ишланган бадиий кинолар харажатини айнан давлат буюртмасидаги фильмлар оқлай олмаяпти. Ҳар бир режиссёр ишлаган фильмининг ўзининг маҳсулоти деб билиб, унга кетган харажати чиқаришни ҳам ўз бўйига олсагина кино санъатида ривожланиш бўлади.

Киноси ривожланган мамлакатларда фильмларга давлат маблағ ажратмаслигини биламиз. Улар ўзини-ўзини таъминлайди ёки ҳомий топади. Зеро, ўзбек киносини ривожлантириш учун махсус лойиҳа ишлаб чиқиб режиссёр, оператор, муסיқа, сценарий муаллифлари, каскадёр ва ниҳоят энг яхши фильмни катта воқеа тарзида аниқлаб, уларни тақдирлашни йўлга қўйиш лозим. Қўшиқчилик санъатида «Тарона», «Ниҳол» каби мукофотлар бор-ку! Нега кино санъатида ҳам шунга ўхшаш мукофотларни жорий этиш мумкин эмас? Бу ҳолат ўзбек киносида ёш иқтидорли ижодкорларни юзага келишига сабаб бўларди.

Энг яхши режиссёр, актёр ва фильмлар рейтингини мухлислар сўровномаси орқали аниқлаб, эълон қилиб борилса, ижодкорлар орасида ижобий рақобат, профессионал изланиш каби ҳислатлар ортган бўларди. Кези келганда, сценарий ёзиш бўйича ҳаваскор ва профессионал ёзувчилар ўртасида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги танлов эълон қилиб, унда голиб чиққанларга катта пул мукофоти ваъда қилинганини табриклашни истардик. Бу ҳолат яқин йилларда хилма-хил сценарийларни юзага келиши ва ҳар жиҳатдан етук фильмларни ишланишига шояд шароит яратса.



нода режиссёр, актёр, каскадёр, рассомлик ва операторлик иши мукаммал бўлмас экан, олинажак фильмнинг муваффақиятли чиқиши амримаҳол.

Абдурахим ИСМОИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. «Ўзбекфильм» киностудиясининг операторлик секцияси раиси, кинооператор.

— Кино санъатимизда ютуқлар кўп, камчиликлар эса ундан ҳам. Ютуқлар ҳақида қисқача гапирадиган бўлсам, дунёда фақат Ўзбекистондагина давлат кино саноатини молиявий жиҳатдан таъминлайди. Ҳозирда йилига ўн бешта фильмга давлат маблағ ажратяпти. Бироқ, биз яхши фильмлар ярата олмаяпмиз. Мен «Ўзбекфильм» кино студияси операторлар секцияси раиси

холос. Чунки, фильм плёнкаси иқтисод қилиниши лозим, у жудаям қиммат туради. Бу ҳолатда фильмнинг муваффақиятли чиқиши мумкинми? Хусусий киностудиялар эса бешолтита дубл қилиб олиши мумкин, улар видео камерадан фойдаланишади. Муаммонинг яна бир жиҳати молиявий жиҳатларининг ночорлигидир. «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлайдиган сантехниклар худди шу студияда фаолият олиб бораётган профессионал режиссёр ёки операторлардан икки баробар кўп ҳақ олади.

Эркин АЪЗАМ, кино сценарист:

— Ҳар бир фильм савияси мукаммал бўлишида сценарийнинг ўрни бекиёс, албатта. Бироқ фильм тақдирини, унинг муваффақиятли чиқишини барибир режиссёр таъмин-



маётганига сабаб, кино режиссёрларимиз билан ёзувчи ва кино сценарийчиларимизнинг тил топишиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорликда ижод қилмаётганлигидир. Профессионал кино режиссёрларимиз жаҳон кино санъатидан яхши хабардор. Бироқ, улар миллий муҳит, миллий фикрлашда гўрлик қилишмоқда. Бунга сабаб режиссёрларнинг аксари русча фикрлашидир. Улар ўзбек ёзувчиларининг асарларини деярли ўқишмайди. Миллий руҳда ҳам мўъжиза яратса бўлади. Оддий урф-одатларимиз ва яшаш тарзимиздан ҳам қизиқарли фильм яратиш мумкин. Бунга Грузия, Арманистон ва Озарбайжон кино ижодкорлари ишлаган фильмларни мисол тариқасида айтиш мумкин. Кино саноатининг ўзига хос қонун-

лар харажатини чиқаришга тўсиқ бўлмоқда. Агар бир фильм республикамизнинг барча катта шаҳарларидаги кино театрларида бир вақтни ўзида намойиш этилганда, ўша фильмларга кетган харажатлар ўзини оқлаб, кейинги олинажак фильмларга сарфланган бўларди. Ҳозирда телевидение ҳам ўзбек ва хориж фильмларини бирин-кетин барча каналларда бериб бормоқда. Видео ва DVD дискларида ҳам кўплаб хориж ва ўзбек фильмлари сотувга чиқиб кетди. Шу боис аксарият томошабинларда кино театрларга бориб фильм кўришга ҳожат қолмаяпти. Боз устига рақобат кучли бўлганлиги учун ўзбек кинеси чет эл киноси соясида қолиб кетмоқда.

Хулоса ўрнида тақлиф шун-

Рустам ҲАЙДАРОВ

Республикамиз бўйлаб, балким бутун Ўрта Осиё, ҳатто дунё бўйича сардобалар энг зич жойлашган ҳудуд, бу Қашқадарё воҳасидир. Бу кўна обидаларнинг жойлашган географик нуқталарини бир-бирларига туташтирадиган иккита асосий йўналиш мавжуд. Улар шимолдан жанубга ва жануби-ғарб томонга давом этади.

Йўналишларнинг барчаси сувсиз чўлларни кесиб ўтганлигини кўраемиз. Шунинг ўзиёқ сардобалар чўл йўлларнинг ягона сувлоқлари эканлигини тасдиқлайди. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқот ишларининг якунига кўра улардан айримларига сақланиб қолганлиги маълум бўлди.

ҚОРОВУЛБОЗОР САРДОБАСИ

Қашқадарёнинг қуйи оқимлари бўйлаб, Қоровулбозор посёлкасининг Шарқ томонида пайдо бўлган ботикда жойлашган.

Бу сардобани Н. Хаников (1843), А. Бернс (1848), И. П. Яворский (1883), В. В. Крестовский (1887), Г. А. Арандаренко (1889), М. Е. Массон (1935) каби олимлар ўрганганлар. Гидрогеолог Н. И. Миронович ва ориентолог В. А. Шишкинлар профессор М. Е. Массонга ушбу иншоот хусусида оғзаки ахборот берганликлар маълум. (Массон 1935).

Қоровулбозор сардобаси гарчанд энг юқори қисмигача шўрланиб кетган бўлса-да, яхши сақланиб қолган. Унинг ташқи



қисми, айниқса, гумбазининг қуйи қисми шўр натижасида кучли эмирилган. Фойдаланилмаса-да косасида пўпанак босган ифлос шўр сув мавжуд. Қадимда сувни сардобага Қашқадарё ўзанидан махсус ариқ орқали келтирилган (Массон 1935).

Қоровулбозор сардобаси қадимда ҳам баъзан қаровсиз қолган шекилли. Бу ерга 1882 йилнинг айнаи қиш пайти, 21 январда ташриф буюрган давлат арбоби В. В. Крестовскийнинг ёзишича, сардобада сув бўлмаган. Иншоот косасининг туби кулранг лойка билан қопланган ҳамда ёрилиб-ёрилиб кетган ҳолда бўлган.

А. Бернснинг ёзишича, Қоровулбозордан кейинги учала сардобага ҳам ёмғир суви тўпланган ва узоқ-узоқлардан ариқчалар орқали оқизиб келинган. Демак, баъзи сабабларга кўра сардобада гоҳ-гоҳ сув тўла ҳолда, баъзан сувсиз бўлган. Балки шунинг учун ҳам сардоба атрофида учта қудуқ қазилгандир. Улардан икkitасининг суви шўр ва биттаси эса чучук бўлган. (Галкин, 1868).

Сардоба ҳовузининг диаметри 15,8 м, чуқурлиги эса 8,1 м. дан иборат. Шунинг учун ҳовуз тубигача 20 погонали зина билан тушиб борилган (Массон, 1935). Зинанинг бошланиши сардоба гумбазининг доира чизигидан 8 м. четдан бошланади. Зинанинг устида эса 4x6 м. ўлчамдаги суфа сақланган бўлиб, бу ерда бир вақтлари қоровулхона жойлашганлигини эслатиб туради. Дарҳақиқат М. Е. Массоннинг ёзишича бу ерда қуббасимон тўнгули бир неча хона мавжуд эди. (1935). Бу бинога суфанинг иккала тарафидан ҳам олти погонали, пишиқ гиштдан ишланган зина орқали кўтарилган. Зиналар бизгача сақланиб қолган ва фотосуратларда яққол кўриниб турибди. Ўзбекистон ҳудудида сардобаларнинг биносига уйғунлаштирилиб қурилган қоровулхоналар тўғрисида баъзи маълумотлар берилган бўлса-да, бу ҳолат фақат Қоровултепа ва Работи Малик сардобасида қисман сақланиб қолган. Сардобанинг кириш қисми аънавий тарзда шимол-ғарб томонга қаратиб қурилган.

Сардоба гумбазини унча баланд эмас, — 6,35 м. Шу туфайли ҳам япаски кўриниш касб этади. Тўққизта ёнлама ва битта тепа тўнгули бор. Деворининг қалинлиги энг қуйи қисмида 1,25 м. гумбазининг энг юқори қисмида эса 0,35 м. Гумбаз пастдан юқорига томон турли ораликлар ҳосил қилиб, олти бўғинли зинасимон шаклда 0,9 м гача қисқариб борган.

Қоровултепа сардобасининг кўпгина олимлар томонидан ўрганилганлигига сабаб унинг катта йўл чорраҳасидаги машҳур Қоровулбозор работининг мавжудлиги бўлса керак. Бу работнинг қанчалар аҳамият касб этганлигини, биргина сайисхона (отхона)сига 300 дан зиёд отни бирварақайига олиб кириб боғлаш мумкин бўлганлигидан ҳам билса бўлади. (Яворский, 1883). Қоровулбозор работи археолог И. А. Кастаньев томонидан махсус ўрганилган ва у бу ҳақда фикр билдириб, XVI асрга оид обидани

деб ёзади. Демак, работни сув билан таъминлаб турган сардоба ҳам XVI аср обидаси бўлиши мумкин.

МУБОРАК САРДОБАСИ (ёки сардоба Чарча)

Бу қадимги обидани Муборак туманидаги Туркманқишлоқнинг ғарб томонини эгаллаган кенг пастқамликка жойлашган. Ҳозир маҳаллий аҳоли асл номи билан атамайди. Баъзи белгиларига кўра у ўша М. Е. Массон 1935 йилда атагани каби Девхона тепалиги яқинида жойлашган. Гумбазда бешта ёнлама тўнгуқ мавжуд бўлса-да, юқори қисмида биронта ҳам тўнгуқ йўқ. Шу туфайли бошқа сардобалардан фарқланади. Чунки биз ўрганаётган иншоотлар ичида ҳалигача юқори қисмида тўнгуқ мавжуд бўлмаган сардоба кузатилмаган эди.

Ҳовузи қарийб кўмилиб қолган, кичкина кўлмак атрофи зах ва шўр. Бир вақтлари сардоба косасининг чуқурлиги М. Е. Массон таъкидлаганидек 6 - 12 м. атрофида бўлганлигига ишонинг келмайди.

Ушбу сардобанинг кириш этаги шимол-ғарб томонга қарата қурилган бўлиб, давр-

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ САРДОБАЛАРИ

лар ўтиши билан 0,40 м. очик жойдан ташқари қисми лойка билан кўмилиб кетган.

Чарча сардобаси ҳам бошқа иншоотлар қатори қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилган.

СУРХИ САРДОБАСИ

Бу сардоба Миришкор тумани ҳудудидаги Помуқ қишлоғидан 5 - 6 км. ғарбда жойлашган. Уни дафъатан сардоба дея аташ ҳам мушкул. Чунки гумбазини йўқ. Танҳо ҳовузи ва унга олиб тушадиган зинали "кириш" қисмидан иборат ҳолос. Бу ерда ҳам кириш зинаси аънавани бузмасдан, шимол-ғарб томон йўналтириб қурилганлигини кўраемиз.

Бу сардоба 1930 йиллари М. Е. Массон томонидан ўрганилган бўлиб, уни Сурхи, Шўрча номи билан атаган. Иншоотнинг ўша йиллари ҳам гумбазсиз бўлганлиги таъкидланади. Етмиш йил бурун сардоба паҳса девор билан ўраб олинган. 11,2 м. диаметрли ҳовузининг чуқурлиги 5,5 м. дан иборат бўлган. Ҳозир эса деворнинг ўрни билинар-билимас сезилиб турибди, ҳовузи ҳам лойка тўлиши оқибатида 1,8 — 2,0 м. чуқурликни ташкил этади.

Сардоба косасига тўпланадиган қор-ёмғир суви Помуқ тўлининг узоқ-узоқларидан оқиб келади.

ФАТТА САРДОБАСИ

Ҳозирги Помуқ қишлоғининг атрофида иккита гумбазсиз сардоба мавжуд. Бири қишлоқнинг ғарб тарафида жойлашган Сурхи ёки Шўрча сардобаси бўлса, иккинчиси қишлоқнинг шарқ тарафида жойлашган Фатта сардобасидир.

Сардоба жойлашган ҳудуд гарчанд чўл аталса-да, бу ернинг қадимда анча обод бўлганлигини далолатловчи эски кўрган излари сақланиб қолган. Кўриниб турибдики, ушбу иншоот ягона сувлоқ бўлган ва сув ичиш тартибига жиддий эътибор билан қаралган. Қум тошдан ўйиб ясалган, чуқур-



лиги 0,2 м бўйи 1,2 м эни 1,0 м бўлган охур сақланиб қолган. Эътибор берган бўлсангиз Сурхи сардобасининг атрофи ҳам мол-ҳол кирмаслиги учун паҳса девор билан ихоталаниб, ийирганакли ягона кириш жойи қолдирилган. Фатта сардобасида ҳам шундай қатъий тартиб жорий этилган бўлиши мумкин. Шу сабабданми иншоотнинг ёнгинасида тош охур ханузгача сақланиб турибди.

Марказда тўпланувчи қор-ёмғир суви

Ўлкамизни ўрганамиз

анъанага кўра шимолга томон қаратиб қурилган зинапояли кириш жойидан оқиб кирган. Аслида барча сардобаларга тўпланадиган сув махсус новлар орқали косага оқизилган. Бу ерда сардобанинг гумбазини бўлмаганлиги учун нов ва унинг ўрнини ҳам аниқлай олмадик.

Фатта сардоба, Сурхи ёки Шўрча сардобасига айнан ўхшаш. Балки устаси ҳам битта шахс бўлган бўлиши мумкин. Косасининг диаметри 11,2 м, ҳозирги вақтдаги чуқурлиги 3 — 3,5 м.


Фатта сардобаси М. Е. Массон тузган харитага туширилган бўлса-да, тадқиқотчи уни бориб кўрмаган шекилли. Шу боисдан бу иншоот хусусида менинг ҳукимимда бирон бир маълумот йўқ, деб ёзади (Массон-1935).

МИРҲАЙДАР СУЛТОН САРДОБАСИ

Ушбу сардоба Қашқадарё воҳасидаги гидротехник иншоотларнинг фаройиби, балки энг қадимгиларидан биридир. Аммо у тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган. Шу сабабли Е. М. Массон тузган харитада ҳам географик ўрни акс эттирилмаган. Аммо ушбу сардоба жойлашган Касби қишлоғидаги ер ости сув қувурлари зов билан ўраб олинган. Тепалик хусусида Н. Н. Манина ва Я. С. Ефименко фикр-

нинг деворининг асос қисмида қалинлиги 1,30 м. У юқорига томон зинапоясимон тарзда кўтарила ва юқалаша болади ҳамда ўнинчи кунгурда, яъни сардоба гумбазининг энг тепа қисмида атиги бир неча ўн сантиметрни ташкил этади.

Сардоба Майманок тоғлари томони-



дан оқиб келувчи қор-ёмғир сувидан тўйилган, шу туфайли сардоба косасига шарқ томондан сув оқиб кириши учун махсус тўнгуқ ва нов қўйилган.

Гумбаз махсус ширилган япалоқ пишиқ гиштардан кўтарилганлиги учун зах ва шўрга чидаш бериб яхши сақланган. Гиштарининг ўлчами узунасига 25 см., кенглиги 13 см., қалинлиги 4 см.

Сардобага махсус тахтача қўйилмаган. Шу боисдан муҳофазага олинмаган бўлиши мумкин. Шуни қайд қилиш жоизки, Майманок сардобаси тадқиқотчилар назаридан четда қолган, шу туфайли М. Е. Массон тузган харитада ҳам географик ўрни кўрсатилмаган.

ПУДИНА САРДОБАСИ

Пудина сардобаси Косон туманига қарашли Пудина қишлоғидаги Кусам Шайх зиёратгоҳи ёнида бўлган. XX асрнинг бошларида гумбазини ўпирилиб тушгач, гишти қабристон учун ишлатилган. 1930 йилларга келиб унинг фақат косасигина сақланиб қолган. Бизнинг давримизда эса ундан бирон белги қолмаганлигини кўраемиз.

М. Е. Массоннинг эътироф этишича, Пудина сардобаси Абдуллаҳон давригача ҳам мавжуд бўлган. Қишлоқ марказидаги Кусам Шайх ансамблини XIII асрга хос деб билсак, сардоба ҳам 700 — 800 йиллик тарихни ўз ичига қамраб олган бўлади. Аммо у бизгача етиб келмаган.

ЭШҚУЛ ҲОЖИ САРДОБАСИ

Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд сардобаларнинг кенжа авлоди, балки шул жиҳатдан барпо этилиш тарихи, қурилиш техникаси ва энг асосийи тикланиш жараёни мукамал баён этилган гидротехник иншоотлардан биридир. Бунда тарих фанлари доктори, профессор О. Жўрақуловнинг хизматлари катта.

Сардоба Қашқадарё вилояти Касби тумани Камаш қишлоғида 1890, (Ўзбекистон давлат маданий ёдгорликларни таъмирлаш маълумотига кўра 1892) йил Эшқул Ҳожи Ҳайитбой ўғлининг шахсий маблағи эвазига қурдирилган.

Сардобанинг ташқи айланаси 10 метр, гумбазини 5,7 м. бўлиб ер юзасига чиққан қисми қисқариб боради. Сардобадан сув олиш учун зинапоялар ясалган. Унга кириладиган олд қисми арка ўхшатилиб икки четига қубба шаклида кўриниши учун шимол томонга қаратиб гишт чиқариб терилган. Сув келадиган йўлга иккита катта ҳовуз қурилиб, атрофи ободонлаштирилган. Бу иккала ҳовуз сув тиндиригич вазифасини ўтаган. Сардобага кирган сув оқиб чиқиб, тозалаб турилиши учун 200 м. ма-софада оқова сув чиқадиган сопол, тош қувурлар ётқизилган. Сардоба остига сув сизиб кетмаслиги учун эса уч қават қорамол, туя териси, уч қават ингиз, устига бир қават ганч, энг юқорисига сифатли пишиқ гишт ётқизилган (О. Жўрақулов, 1998).

Сардоба биноси яхши сақланган бўлса-да, қаровсиз ҳолатда, суви турли чиқитлар билан ифлосланган, шўр-тахир таъмли (1997 йил, 10 июн). Аслида сардоба косасида тўпланган сув ичишга яроқли, чучук, ҳеч қандай қўшимча таъм ва ҳидсиз бўлган бўлса-да кейинги йилларда чўл ўзлаштирилиши туфайли шўр грунт суви юқори кўтарилиб, сардобани яроқсиз ҳолга келтирган бўлса керак.

Ушбуларни баён этишдан қуланган мақсад, биринчидан, тарихимизнинг жонли гувоҳлари бўлиши сардобаларга эътиборни қаратиш бўлса, иккинчидан, ота-боболаримиздан қолган меросдан ҳозирда ҳам фойдаланиш мумкинлигига ишоратдир. Қолаверса, улар сайёҳлик режаларига киритилса, дейлик, Шахрисабзга ташриф буюрган чет элликлар назарига тушириб, бундан ҳам маълум миқдорда наф қуриш. Ҳар қалай савоб ишлардан ўзимизни олиб қочмасак, ўтганлар руҳи ҳам шод булар эди...

Асрор НИЗОМОВ,
геология-минерология
фанлари номзоди

ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРД

Узун думли куш	Саҳна асар	Бадний буюм	Илтимоснома	Савдо маскани	Ёрдам	От зоти	Миллий таом	Мексика шаҳри
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
○	○	○	○	○	○	○	○	○
	Балиқ тури	Байрам олди	Ахборот	Сўнги манзил	Спорт ўйини	Саҳна санъати	Ниҳол	
	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	
	○	○	○	○	○	○	○	○
Шоҳ ва шоир	Билимдон аёл	Халқ достони	Аёл исми	Беш дoston	Авто марка	Улуш	Техника экин	Ипак газлама
↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓	↓
○	○	○	○	○				
					○	○	○	○

Кўклам неъматлари ЯЛПИЗ

Ялпиз барча кўкатлар ичида энг жавҳари, энг латифи ва саломатлик учун энг фойдалиси ҳисобланади. У ўзига хос ифори билан кўнгилга қувонч, руҳга қувват бағишлайди. Айниқса, у мияга шифобахш таъсир кўрсатади. Унутмаслик керакки, ялпизни эрта баҳорда истеъмол қилиш фойдали. Ундан халқ табобатида ва илмий тиббиётда кенг фойдаланилади. Айниқса, ялпиз таркибидаги эфир мойи, флавоноидлар инсон учун фойдали.

Ялпизни ўзига хос хусусиятини шундан ҳам билса бўладики, унинг шохлари сутга ташланса, узоқ вақт ивимади. Ялпиз қонталаш ва қон кетишини, қон қусишни тўхтатади. Меъдани мустаҳкамлайди, уни қиздиради, ҳиқичокни тўхтатади, овқатни сингишига ёрдам беради, сариқ касаллигига фойда қилади.

Ялпиз шохларини анор донаси билан қўшиб истеъмол қилинса қусиш билан давом этадиган ич кетишини тўхтатади. Ялпизни айниқса, арпа уни билан қўшиб бош оғриғига қарши пешонага қўйиб боғланса, шифобахш таъсир кўрсатади. Ялпиз билан дағалланган тил ишқаланса, дағаллиги йўқолади.

Ялпиз ширасини асал билан аралаштириб қулоққа томизилса, оғриқ қолади.

Ялпиз анжир билан бирга истеъмол қилинганда кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилтларни чиқариб юборади. Қобиргадаги оғриқларга наф беради, айниқса, бунда тоғ ялпизининг шифобахшлиги кучли.

Шунингдек, тоғ ялпизи яраларни битишига яхши фойда қилади. Бундан ташқари ялпиз бурун тешигидан чиқиндиларни туширади.

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС

МУЛК БИРЖАСИ

БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Давлат мулк кўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан РКМБ тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига «**Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent shahar filiali**» маклерияти орқали 2006 йил 13 мартдан бошлангич нархига нисбатан босқичма-босқич пасайиш механизми қўлланиладиган куйидаги давлат унитар корхонаси чиқарилган:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган «**KOMMUNAL-LIZING**» давлат ташқи иқтисодий унитар корхонаси.

Бошлангич баҳоси — 183 843 898 сўм.

Савдоларда РКМБ рўйхатидан ўтган малакали брокерлар Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-кават, 35 ва 45-хоналар.

Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73.

Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

Футбол+спорт

Футбол

"МАРСЕЛЬ" МАҒЛУБ ЭТИЛДИ

УЕФА кубоги 1/8 баҳсларининг дастлабки учрашувини сафарда ўтказган Санкт-Петербургдаги "Зенит" жамоаси "Марсель" клуби билан ўйинда 1:0 ҳисобида зафар қучди. Франциянинг тўққиз карра чемпиони устидан эришилган бу ғалаба зенитчиларга кейинги босқичга чиқиш имкониятини кучайтиради.

Ўйинни кўтаринки кайфиятда ўтказган Властимил Петржела шогирдлари иккинчи бўлим бошида ҳисобни очди. "Зенит" ҳужумчиси Аршавин томонидан йўлланган кучли зарбани Фабьен Бартез ушлаб қолишнинг уйдасидан чиқа олмади.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди:

- "Рапид" (Руминия) - "Гамбург" (Германия) - 2:1
- "Базель" (Швейцария) - "Страсбург" (Франция) - 2:0
- "Палермо" (Италия) - "Шальке" - 0:4 (Германия) - 1:0
- "Стяуа" (Руминия) - "Бетис" (Испания) - 0:0
- "Удинезе" (Италия) - "Левски" (Болгария) - 0:0
- "Лилль" (Франция) - "Севилья", (Испания) - 1:0
- "Мидлсбро" (Англия) - "Рома" (Италия) - 1:0

МАҚТОВГА ЛОЙИҚ БОШ

Бразилия терма жамоаси ҳамда Мадриднинг "Реал" клуби ҳужумчиси Роналдога ушбу мамлакат президенти Луис Инасиу Лула да Силва томонидан футболчини қўллаб-қувватлаш учун мактуб йўлланди. Бу ҳақда у "Эртага президент билан" деб номланган аънавий радиоэшиттириш орқали маълум қилган.

— Роналдо мамлакат ёшларига ибрат бўлиш билан бирга, ватани нуфузини бутун дунёга ёймоқда, - деган мамлакат раҳбари. - Уч карра жаҳоннинг энг кучли футболчиси деб тан олинган, Бразилиянинг бешинчи марта жаҳон чемпиони бўлишида катта хизмати синган Роналднинг "олтин боши" мақтовга лойиқ.

Бирок, бугун футболчи анча тушкунликка тушиб қолган. Чунки у ўйнаётган "Реал" жамоаси сафида кам тўп киритмоқда ҳамда жамоаси узоқ вақтдан буён бирор унвонга эриша олмаяпти. Ҳатто, "Реал" бу йил чемпионлар лигаси баҳсларининг чорак финалига ҳам етиб бормади.

Бунинг устига "сўйлоқ" афсонавий футболчилар томонидан ҳам танқидга учраган. Футбол қироли Пеле "Роналдога майдондан ташқаридаги ҳолатлар ҳалакит бермоқда" деб айтган бўлса, футбол юлдузи Мишел Платини уни ортиқча вазн туфайли яхши ўйнай олмаётганини билдирган.

Кейинги вақтларда танқидлар гирдобидида қолган футболчига далда бериш учун йўлланган мактуб ўз таъсирини кўрсатармикан?

ТЎП ТЕПИШГА РУХСАТ ЙЎҚ

Москванинг "Локомотив" жамоаси ҳамда Дмитрий Сичёвнинг мухлислари ўз севимлиларини яна майдонда кўриши мумкин. Чап оёқдан олган жароҳати туфайли 8 ойдан буён майдонга туша олмаган футболчи жамоа билан бирга машғулларда қатнашмоқда. Фақат шифокорлар футболчига тўп тепишни тақиқлаб қўйган. Аммо, яқин орада футболчининг майдонга қайтиши кутилмоқда.

РУНИ КИТОБ ЁЗАДИ

Футболчи ҳам китоб ёза оладими? Албатта, ўз иқтидорига ишонган ҳар бир инсон кўрган-кечирганларини оққа тушириши мумкин.

Англия терма жамоаси ҳамда "Манчестер Юнайтед" жамоасининг 20 ёшли иқтидорли футболчиси Уэйн Руни "Харпер Коллинз" нашриёти билан 12 йиллик шартнома имзолади. Бу вақт орасида футболчи бешта китобни ёзиб бериши лозим. Биринчи китоб шу йилнинг июл ойида чоп этилади. Бу футболчи ҳаётига бағишланган китоб бўлиб, 2006 йилги жаҳон чемпионати баҳсларидаги воқеалар ҳам китобдан ўрин олади.

Рунининг таъкидлашича, китоб уни билган инсонларга ҳамда кенг оммага маъқул келади. Чунки китобда у ўзи ва бошқалар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади. Нашриёт бу китоблар учун футболчига 5 миллион фунт стерлинг тўлайди. Эътироф этиш лозимки, бу спорт оламидаги энг кўп маблағ тўланадиган шу хилдаги шартномадир.

Енгил атлетика

ИСИНБАЕВА БУБКЕНИ ОРТДА ҚОЛДИРМОҚЧИ



Лангарчўп билан сакраш бўйича жаҳон рекордчиси ҳамда чемпиони Елена Исинбаева қишки жаҳон чемпионати олдидан муҳбирларга интервью бериб, ўрнатилган жаҳон рекордлари сони бўйича Сергей Бубкани ортда қолдириш истаги борлигини айтган.

Эслатиб ўтаамиз, ушбу чемпионатда дунёнинг 133 мамлакатидан спортчилар иштирок этади ва уларнинг сони 700 нафардан ошади.

Россиялик мухлислар кўз ўнгига иккинчи марта йирик мусобақаларда қатнашаётган рекордчи ҳамюртларининг қўллаб-қувватлашига ишонишини билдирган. Бубканинг мураббийи Виталий Петров қўл остида машғулотлар ўтказа бошлагач, Елена натижаларининг аввалгилардан анча юқорилаганини айтган:

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабасига уюшма Марказий кенгаши ҳамда Фарғона вилояти бўйича Вакиллиги «КВАРЦ» ҳиссасдорлик жамияти бошқарув раиси М.Тиллаўжаевага волидаи мухтарамаси
ЗУЛФИЯХОН аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ахмаджон Рўзиев 1972 йилда Санъат институтининг мусикали драма ва кино актёри мутахассислиги бўлимида ўқиб юрган пайтидаёқ эл севган санъаткор. Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Хамроев эътиборига тушган эди. Ижодини вилоят театрида бошлаган А.Рўзиев кейинчалик Муқимий номли мусикали ва драма театрида фаолият кўрсатди. Шу билан бирга "Табассум" радио-журнали ҳамда телевизион миниатюралар театрида, кинода катор роллар ижро этди. Айниқса, Ахмаджон аканинг тор чалиб, мумтоз кўшиқлар куйлаши шинавандалар томонидан қизгин кутиб олинди.

— Истеъдод Оллоҳнинг улуг неъматидир. — дейди санъаткор. — Уни юзага чиқариш учун кишига журъат, билим, энг асосийси яхши устоз керак. Институтни тугатиб, йўлланма билан Жиззах драма театрида иш бошладим. "Олтин коса" спектаклида йигит ролини ижро этдим. Салкам ўн йил Муқимий номли драма ва комедия театрида фаолият кўрсатдим. Ана шу даврда санъатнинг нозик сирларини Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатовдан ўргандим. "Тошболта ошиқ"да Мирза образи, "Ўжарлар"да Самандаров, "Олтин камар"да хоразмлик йигит образларини яратдим.

— **Айтишларича, санъаткорлар ҳаётида қизиқ-қизиқ хангомалар ҳам бўлиб турар экан...**

— "Тошболта ошиқ"даги Мирза образи яратилишига боғлиқ бир воқеани айтиб берсам. Театримиз вилоятларга ижодий сафарга чиққанда Мирза ролини ижро этардим. Аммо Тошкентда — Муқимий театри саҳнасида "ҳали сен хомсан", деб рухсат беришмас эди. Театр саҳнасида бу ролни Хусан Шарипов ижро этарди. Бир куни Хусан Шарипов бир ҳийла ишлатмасак, сенга бу ролни беришмайди, деб қолди ва спектакл бошланишидан олдин қорним оғриб қолди, деб баҳона қиламан, деди. Олдиндан келишиб олганимиздек, Хусан Шарипов бирдан қорнини ушлаб вой-войлаб қолса бўладими! Моҳир ижрочи эмасми, нафақат артистлар, ҳатто бош режиссёр Раззоқ Хамроев ҳам бунга чиппа-чин ишонишди. Наилож қолган бош режиссёр Мирза ролини "сен ижро этасан" деди. Ролни маромида ижро этган бўлсам керак, шу-шу Мирза роли менга муҳрлаб берилди.

— **Санъат касбми ёки тирикчилик манбаи?**

— Элда "хонардан унар" деган ҳикмат бор. Жон койитмасдан туриб ҳеч бир касбда барака топиб бўлмайди. Менга қолса, санъат фидойиликни ҳам талаб қилади. Шу ўринда бир мисол. Одатда, "Табассум" га келган ҳажвия ва минатюралар билан таништирилгандан кейин қатнашаётган актёрлар ролларни бўлиб олишарди. Баъзи роллар ҳеч ким ўқигиси келмаганидан қолиб кетар эди. Шунда вазиятдан чиқиш учун бу ролни Ҳасан Йўлдошевга берар эдик. Ҳасан ака бу ролни чуқур сатира, юмор ёки кулгули жойи бўлмаса ҳам, ўзидан кўшиб-чатиб,

айрим жойларига ургу бериб қойиллатиб ижро этиб берар эди. Ана ўз ишининг, касбининг устаси!

— **Телеминиатюраларда сиз ижро этган роллар кўпчиликлари маъқул эди. Бироқ, сўнгги йилларда бу борада чиқишларингиз кўзга ташланмаяпти, сабаби нимада?**

«МУХЛИСЛАР — ҲАЁТИМ МАЗМУНИ...»



— Жуда сиз айтганчалик эмас. Охириги беш-олти йил ичида кўплаб роллар ижро этдим. Хусусан, Саид Анварнинг "Ҳазилдан чиққан хангома" асари телеминиатюра жанрида яратилган биринчи сериал. Унда раис ролини ижро этдим. Бироз камнамо бўлиб қолганим сабаби эса соғлигим билан боғлиқ.

— **Телеминиатюра, театр ва ашулачилик... Уларнинг ҳар бири алоҳида бир олам. Сиз бу йўналишларни биргаликда қандай олиб борасиз?**

— Фикримча, улар бир-бирини инкор этмайди, балки тўлдирди ва янги-янги образлар, ижролар учун кенг уфқлар очиб беради. Боз устига менга олий маълумот мусикали драма ва кино артисти мутахассислиги бўйича берилган.

— **Шогирдлар инсон умрининг бебағи, эзгу ишларнинг давомчиларидир. Шогирдларингиз ҳақида**

Дилдан суҳбат

нима дейсиз?


— Шукр, мақташга арзийдиган шогирдларим бор. Радиоэшиттиришлар режиссёри Азиз Орипов, овоз режиссёри Равшан Нўмонов, Фариданишонова, Умида Зокирова... Улар жуда кўп ва бир бирдан истеъдодли ва меҳнатсевар.

— **Агар сир бўлмаса, келажакдаги ишларингиз ҳақида мухлислар билан ўртоқлашсангиз.**

— Санъат ҳамиша даврга ҳамоҳанг ривожланиб келган. Бунда биринчи навбатда иқтидорлиларнинг хизмати катта. Мен ҳам бу эзгу ишда

«ҚАЛАМПИР»

Ҳажвия



"Мўъжизалар майдони" кўрсатувида қатнашаётган ўта жиддий бир аёлга бахт кулиб боқиб, "Приз" тушади. Кўрсатувни олиб бораётган Якубович одатдагидек, нимани маъқул кўрасиз, дейди.

Аёл:

— Мен Сизга шуни айтиб қўяй, призми, фақат призни беринг, — дейди у қовоғидан қор ёғиб.

Якубович одатдагидек ҳазил аралаш сўрайди: — Балки 20 минг оларсиз, бу страховка, холос. Олмасангиз яна ўз ихтиёрингиз.

— Йўқ, дедимми, йўқ, фақат приз. — Юзларингиз айтиб турибди, жуда ўз қадрини билган аёл экансиз, балки 50 минг... оларсиз.

— Йўқ.
— Майли, 90 минг бўла қолсин.
— Йўқ, бўлмайди.
— 100 минг...
— Йўқ, дедим-ку, ахир!
— Начора, йўқ бўлса йўқ-да.
Секин қутига мўралайди.
— Охириги марта сўрайман. 150 мингга розимисиз?

— Асло, ҳеч қачон!
Якубович аста жомадонга қўл солиб, ундан қипқизил аччиқ қалампир шодасини олиб кўрсатади. Аёл муздек бўлиб, қотиб қолади...

Томошабинлар беихтиёр чапак чалиб юборишади. Асли бу олқишлар "баттар бўл" дегани эди.
Раҳимжон ОРИПОВ

Қизиқ воқеа

Тўнғиз олиб қочган овчи

Бу воқеани мубораклик овчи Муҳаммад Жўрақулов ҳикоя қилиб берган эди.

Кунлардан бир кун жўраси Собиржон билан Денгизкўл томонларга овга чиқишади. Дала-дашларни қалин қор босган. Ойдин кечада ёввойи тўнғиз изини кўриб, икковлон унинг ортиндан тушишади.

Ҳайвоннинг қораси кўринган қуюқ бутазорнинг четидан ов қуролларини тайёрлаб, пойлоқчилик қилишади. Қарабсизки, сал фурсат ўтмай лапанглаб тўнғиз чиқиб қолади. Муҳаммад ўқ узати, лекин хато кетади. Собиржоннинг бир оёғи шикастланганлиги учун яхши букилмас эди. Шу боис овчи оёғини ариқ четига қўйиб мўлжал олади. Ўқ овозидан эс-хушидан айрилган ёввойи ҳайвон ариқ оралаб жуфтаникни ростлайди. Шошганидан овчи турган шохга ўзини ташлайди ва беҳосдан Собиржоннинг букилмайдиган оёғи чўққанинг устида қолиб, ҳайвон югуришга тушади.

Ногаҳон тўнғизга мингашиб қолган овчи жон ҳолатда бақириб юборади. 200 метрлар югурганидан сўнг, устидаги оғир юкни улоқтириб, тўнғиз бутазор ичига кириб кўздан йўқолади.

У ёқ-бу ёғи озроқ лат еганини ҳисобга олмаганда Собиржонни "ҳўқ" ҳам урмаган эди. Ўшандан бери дўстлари уни ҳазиллашиб, "тўнғиз олиб қочган овчи" дейишади.

ЁЛҚИН

13-19 март

МҚНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Ҳафта бошида молиявий ишингизда омад кутмоқда. Пайшанба куни сиз учун оғир кечади, ташвишларингизни бироз унутинг.

БУЗОҚ. Соғлигингизни ўйланг. Ҳафта давомида ҳеч кимга қарз берманг. Яқинларингиздан бири яхши иш таклиф этади. Бу сиз учун айни муддао. Атрофдагилардан ёрдам қўлингизни аяманг.

ЭГИЗАКЛАР. Ушбу ҳафта давомида чала қолган ишларингизни тугатинг. Аразлаб қолган

дўстларингиз билан ярашинг. Омадли кунларингиз келди.

ҚИСҚИЧБАҚА. Душанба куни ишдагилар билан очик муомалада бўлинг. Кутилмаганда алданиб қолишингиз мумкин. Ҳафта охирида гурурингизни тутинг, номаъқул учрашувлардан чўчиманг, сизни омад кутмоқда.




АРСЛОН. Мажлис ва шартномавий ишларни куннинг биринчи ярмида бошланг, бу сиз учун фойдадан ҳоли эмас. Пайшанба кунига ҳеч қандай муҳим ишни белгиламанг. Дам олиш куни эса маданий ҳордиқ чиқаринг.

ПАРИЗОД. Яқинларингиз ҳамда ишдаги мажбуриятларни унутманг. Ушбу ҳафтада сизнинг ҳаётингизда туб ўзгаришлар кутилмоқда. Дам олиш кунларингизни оила аъзоларингиз даврасида ўтказинг.

ТАРОЗИ. Бу ҳафта барча муҳим ишларингизни бажаринг. Дам олиш куни яқинларингиз билан мириқиб ҳордиқ чиқаринг.

ЧАЁН. Душанба куни янги иш бошламаганингиз маъқул, кейинги кунга қолдиринг. Яқин биродарларингиз ҳолидан хабар олинг. Яқинбада уй юмушлари билан банд бўлиб, муаммоларни бартараф қилинг.

ЎКОТАР. Душанбада ишдаги обрў ёки мартабангиз кўтарилиши мумкин. Омадингиз ўз қўлингизда. Яқинбада ҳар қандай ишга қўл урсангиз ҳам фойда оласиз.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта ўртасида тортишув ва келишмовчиликлардан ўзингизни йироқда тутинг. Дам олиш куни ақлий ва жисмоний иш билан машғул бўлинг, чунки бу омадингиз гаровидир.

ҚОВҒА. Ҳафта бошида ҳеч қандай ишингизни орқага сурманг. Шундай қилсангиз омад сиздан юз ўғирмайди. Ҳафта охири ишларни белгиламанг.

БАЛИК. Ушбу ҳафта давомида ўзингизнинг маҳоратингизни ишга солиб иш тутсангиз, ҳамма қийинчиликларни енгасиз. Натижада сиз мукофот оласиз. Ҳафта охирида янги танишлар орттирасиз.

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ, Соғувда эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Тиражи: 18855

Буқорғма Г— 514

Маъмулий: 700165, Ташкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Қоржона маъмулий: «Буюқ Турон» кўчаси, 41—уй.